

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

“Ишлаб чиқаришда бошқарув” факультети

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси

“Ҳимояга руҳсат этилди”

Кафедра мудири
доц. Тошпўлатов О.

“___” _____ 2013 йил

5340900 “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” йўналиши бўйича

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Қўшма корхоналарда инвестициялар ҳисоби ва
аудитининг амалий жиҳатлари**

Талаба:

Комилов И
57-09 гуруҳ талабаси

Битирув малакавий ишига
раҳбар маслаҳатчи
(имзо, кун, ой, йил)

доц. Р. Темирбулатов.

Фарғона - 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.	6
1. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ	9
1.1 Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти	9
1.2 Инвестицияларнинг таснифланиши ва турларининг тавсифи	16
1.3. Инвестицион фаолиятнинг меъёрий ҳуқуқий асослари.....	22
2. ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ	34
2.1 Асосий воситаларга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳисоби.....	34
2.2 Номоддий активларга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳисоби ва уни такомиллаштириш	42
2.3. Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари	50
3. ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ	62
3.1 Инвестицияни баҳолаш усуллари	62
ХУЛОСА.	69
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	73

КИРИШ.

Ўзбекистон иқтисодиётини ислоҳ қилиш босқичида барча бўғинларда инвестицион фаолликни сезиларли даражада пасайиши, корхоналарнинг инвестиция ресурслари камайиши, уларни индустриядан кейинги жамият иқтисодиётига технологик шитоб билан кириб боришининг асоси ҳисобланган катта ҳажмдаги ва узок муддатли инвестицияларни амалга оширадиган ҳақиқий инвесторлар бўлмагани боис асосий фондларнинг эскириши намоён бўлди.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов «Иқтисодиёт таркибининг қайта қурилиши фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш билан чамбарчас боғлиқдир»¹ деб таъкидлаганларидек, қисқа вақт мобайнида бозор муносабатларининг қарор топиши ва ривожланиши учун объектив ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, хўжалик юритишнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари пайдо бўлиши, тадбиркорликка эркинлик ҳамда корхоналарга ўз молиявий ресурсларидан фойдаланишда мустақиллик берилиши, ватанимиз ва чет эл инвесторларининг инвестицияларини жалб қилиш учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратилганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий алоқалари уйғунлашуви, янгича молия воситалари ва омилларининг вужудга келиши узок муддатли инвестициялашнинг илгари амалда бўлган ташкилий механизмини тубдан ислоҳ қилинмоқда.

Мана шу ҳолат Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестицион жараённи назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳамда инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва таҳлилни бозор муносабатлари талаблари ва мезонлари даражасида ташкил қилишни ва такомиллаштиришни услубий жиҳатдан

¹ Karimov I. A Iqtisodiy islohot – Mas’uliyatli bosqich. Toshkent. O’zbekiston. 1999.

асослаб беришни, корхоналар томонидан амалга ошириладиган узоқ муддатли инвестицияларнинг ҳозирги давр шарт-шароитларига мос келадиган қоидаларини ишлаб чиқиш заруратини талаб этмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароити инвестиция фаолияти билан шуғулланаётган корхоналарнинг бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиниши лозим бўлган инвестициялар, яъни узоқ муддатли активларга: асосий воситалар, номоддий активлар ҳамда қимматли қоғозларга киритилган инвестицияларнинг ҳисобини халқаро ва миллий стандартлар асосида ташкил этишни тақозо этади ва улар олдида янги вазибалар қўяди.

Битирув малакавий ишида, корхоналарда инвестиция фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилин ташкил этиш масалаларини такомиллаштиришга бағишланган назарий ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилган. Шунингдек, инвестицион фаолиятнинг иқтисодий мазмуни ва хусусиятлари аниқланган, инвестиция фаолиятида қўлланиладиган аниқ, асосланган таърифлар талқин қилинган. Инвестицияларни бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилган ҳамда инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилнинг тутган ўрни белгилаб берилган. Инвестиция фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари, жумладан, асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ бўлган капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш муаммолари тадқиқ қилинган. Номоддий активлар ҳамда қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини амалдаги тизими таҳлил этилган ҳамда уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган. Инвестиция фаолиятини таҳлилдан ўтказиш усуллари тадқиқ этилган ҳамда узоқ муддатли активларга йўналтирилган инвестицияларга оид муомалаларни таҳлилин ўтказиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳисобот бухгалтерия ҳисоби усулининг тизимга солувчи элементи ҳамда инвестицияларнинг ахборот тизими сифатида тақдим этилди. Битирув малакавий ишида, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида мавжуд бўлган корхоналар учун инвестиция фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил

тизимини миллий ва халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича бир қатор услубий тавсиялар, инвестиция фаолиятининг ҳисоблаш жараёнини тартибга солиб турувчи меъёрий базани яхшилашга доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишида баён қилинган тавсиялардан инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини асослаш, инвестиция объектларини танлаш учун молиявий ҳисоботни таҳлил қилиш негизида қарор қабул қилаётган мулкчиликнинг барча шаклларидаги саноат корхоналарининг инвесторлари, шунингдек корхоналарнинг ўзи ҳам инвестицион сиёсатни белгилаб олиш учун фойдаланишлари мумкин.

Ушбу битирув малакавий иши ишлаб чиқариш корхоналарида ҳисобга олиниши лозим бўлган инвестицияларни, яъни: асосий воситалар, номоддий активлар ҳамда қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларни бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини ташкил этиш масалаларига бағишланган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида инвестицияларнинг моҳияти, таснифи, турлари, чет эл ҳамда республикамиз шу соҳа олимларининг илмий ишлари чуқур ўрганилган ва таҳлил қилинган. Бундан ташқари инвестиция фаолиятини тартибга солувчи меъёрий база ўрганилган ҳамда инвестицияларни бошқаришда, бошқарув қарорларини қабул қилишда бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва таҳлилорлик хулосаси энг муҳим ахборот манбаи эканлиги илмий асосланган. Иккинчи бобда корхоналарда узоқ муддатли активлар: асосий воситалар, номоддий активлар ҳамда қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини янги счетлар режаси асосида ташкил этишга алоҳида эътибор берилган. Битирув малакавий ишининг учинчи бобида корхоналарда инвестиция фаолияти таҳлилини ташкил этиш услублари ёритилган.

1. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

1.1 Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти

Инвестиция тушунчаси лотинча *Invettuv* сўзидан олинган бўлиб, 80-йилларда инвестициялар иқтисодчилар томонидан ўзига хос таҳлил этилиб, асосан, ишлаб чиқаришга узоқ муддатли қўйилмалар сарфини, яъни харажатлар йиғиндисини англлатувчи маъносида адабиётга олиб киритилди.

Инвестиция ва капитал қўйилмалар кўпгина иқтисодий адабиётда бир маънода берилган.

У. Шарп инвестицияларга қуйидагича таъриф беради: «Реал инвестициялар асосан моддий активларга (ер, ускуналар, заводлар) қилинган инвестициялардир. Молиявий инвестициялар бу қоғозда битилган шартномалардир. Буларга оддий акциялар ва облигациялар киради. Ривожланаётган иқтисодиётда инвестицияларнинг асосий қисми реал инвестицияларга тегишлидир. Ривожланган иқтисодиётда эса инвестицияларнинг асосий қисми молиявий инвестициялаш институтларининг кенг миқёсида ривожланиши реал инвестицияларнинг ўсишига сабабчи бўлади. Инвестицияларнинг бу икки шакли бир-бири билан рақобатлашувчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчидир».²

Лоренс Дж. Гитман ва Майкл Д. Джонкнинг «Инвестициялаш асослари» (М. «Дело» нашриёти-1997) китобида инвестицияларга қуйидагича таъриф берилди: Инвестиция молиявий натижалар олишни кўзлаб акция ва облигацияларни сотиб олишни англатади: булар реал активларни белгилайди, масалан, у ёки бу молни ишлаб чиқариш ва сотиш учун машиналарни олишни назарда тутди. Умуман кенг маънода инвестициялар

² Шарп У., Александер Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер. с англ.- М.: ИНФРА- М, 1997. – 1 бет

мамлакат иқтисодиётини ўстириш ва ривожлантиришни молиялаштириш учун зарур бўладиган механизмларни таъминлайди.

Айрим иқтисодчилар эса инвестициялар капитал узок муддатли кўйилмалар тариқасида миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларига ва кишилар фаолиятига, маданият, саноат, маориф, кадрлар малакасини ошириш ва хоказоларга сарфланадиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради деб тушунтиришга уринадилар. Бизнинг фикримизча, инвестициялар деганда, барча турдаги мулкый ва интеллектуал бойликларни узок муддатли кўйилмалар тариқасида миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва кишилар фаолиятининг барча соҳаларига сарф этиладиган харажатлар йиғиндиси деб англамоқ лозим.

Инвестициялашдан мақсад тадбиркорлик даромадини ёки юқори ҳақ фоизи олиш ҳисобланган. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти ривожланаётган ёки ривожланган давлатларда инвестициялар сарфи юқори даромад келтирадиган соҳаларга кўпроқ йўналтирилган. Ишлаб чиқаришни ривожланиши товарлар талабига нисбатан таклифнинг ўсиб кетиши ёки камайиб кетиши инвестицияларни йўналишини, яъни у ёки бу соҳалар ва тармоқларда унумли сарфланишини ва натижада юқори даражада даромад келтиришни аниқлаб берувчи омиллар сифатида хизмат қилган. Ишлаб чиқаришни тараққий этиши ва жаҳон бозори вужудга келиши муносабати билан инвестицияларни, яъни юқори даромад келтирувчи маблағларнинг худудлараро ва давлатлараро оқими кучаяди ва ташқи инвестициялар пайдо бўлади. Бундай инвестицияларнинг айрим мамлакатларнинг ялпи ижтимоий маҳсулотига ёки жамғарма фондидаги улуши 80 ва ундан ортиқ фоизга етиб борган ҳолларини кўраимиз.

Кейинги йилларда, жаҳон мамлакатлари ўртасидаги турли иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва ривожланиши, халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ва дунё бозорини кенгайиши муносабатлари билан инвестицияларни миграцияси кучайиб бормоқда. Булар эса инвестицияларга талаб ва таклиф миқдори, бозор сиғими, уларни қайси мамлакатдан, тармоқ,

банк, корпорация, ташкилот, фирма ёки жисмоний шахсдан қандай шаклда қабул қилиш, қайси тармоқларга ва регионларга жойлаштириш, инвестициялар муддати, тўлов ҳақи, даромадни тақсимлаш каби бир талай муаммоларни келтириб чиқарадики, уларни тўғри ҳал қилиш учун махсус мутахассислар меҳнатидан фойдаланиш, маркетинг изланишлари ўтказиш ва бу ишларни бошқариш масаласи келиб чиқади. Айнан инвестициялар маркетингини чуқур ўзлаштириш инвестициялашда хатоликларга йўл қўймасликка, уларни беҳуда сарфламастикка, самарадорлигини оширишга, мамлакатга янги техника ва технологияни кириб келишига олиб келади. Инвестициялашни тўғри йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор чет эл тажрибасини киритишга, менежментни қўллаш ва барча соҳаларни мукаммаллаштиришга олиб келади.

Ўзбекистон бозор иқтисодиёти муносабатлари томон аста-секин ривожланиб бораётган ҳозирги даврда, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ички имкониятлар ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш ва уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Бу муаммоларни ҳам ҳал этиш албатта маркетинг, мавжуд ишлаб чиқариш воситалари, табиий бойликлар, сармоялар ҳамда ташаббускорликка, кўп жиқатдан, боғлиқдир. Ўзбекистоннинг табиий ресурсларга бой ва меҳнат ресурслари етарли даражада бўлганлиги, бу ишда қўл келади. Иқтисодиётнинг кўпгина соҳаларида катта қийинчилик ва танқислик мавжуд бўлган шу кунларда, чет эл инвестицияларини мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилиш муҳим аҳамият касб этади. 80 йилларнинг охирига қадар ҳам чет элдан инвестициялар жалб қилиш, мамлакатни хорижий давлатларга сотиш, унинг бойликларини талон-тарож этиш, халқини қул қилиб бериш деб тушунилар эди. Унинг ижобий томонлари мутлоқ эслатилмас ва ҳатто инвестиция фаолияти бўйича қонун ҳам қабул қилинмаган эди. Миллий иқтисодиётнинг ва умуман жамиятда, иқтисодиётда инвестицияларнинг нима ва қайси соҳаларга сарфланишига қараб, уларни молиявий ва реал инвестицияларга

ажратиш мумкин. Юқорида қайд қилинган гуруҳлар маркетингини бошқаришда молиявий инвестициялар алоҳида аҳамият касб этади.

Уларнинг аксарият қисми шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларига, бошқа қимматбаҳо қоғозларга ва банк депозитларига узоқ муддатга жалб қилинган кўйилмалардир. Молиявий инвестициялар қимматли қоғозлар бозорида сарфланишини ва шу бозорда қатнашини англатади. Молиявий инвестиция кўпинча реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Молиявий инвестициялар эркин бозор инфраструктураси ривожланган мамлакатларда, қимматбаҳо қоғозлар бозори капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган. Шунинг учун ҳам уларда молия маркетинги яхши ривожланган. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг молиявий инвестицияларнинг таркибида асосий ўринни шахсий инвестициялар ташкил этади. Биз бу ўринда тадбиркорлик, хусусий фирмалар, компаниялар, концернлар, акционер жамиятлари ёки бошқа шаклдаги мулк эгаларининг фойда (даромад), самара олиш мақсадида давлат томонидан таъқиқланмаган фаолиятларга сарфлайдиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларини тушунамиз. Бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда, тўла-тўқис қимматбаҳо қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатлардаги шахсий инвестицияларни кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Инвестиция фондлар бозорида хизмат қилади. Иқтисодиётида давлатнинг роли кучли бўлган (давлатнинг, бошқариш, молиялаш, баҳо, солиқлар, кредит каби соҳалардаги улуши) мамлакатларда инвестициялар таркибида давлатни улуши ўсиб бориши ҳам табиий муқаррардир.

Реал инвестициялар эса молиявий инвестициялардан моҳиятда мутлок аксинча фарқ қилиб, асосий капитални ва моддий бойликларни ўстиришга сарфланадиган кўйилмалардир. Тўғридан-тўғри сарфланувчи реал инвестицияларни сарфи, ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришга, моддий бойликларни кўпайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам инвестициялар

маркетингини бошқариш энг аввало реал инвестицияларга қаратилмоғи, уларнинг миқдори, йўналтириш объектлари, талаб ва таклиф ва умуман реал инвестициялар бозори, унинг сиғими каби барча масалалар сегментлари бўйича маркетинг нуқтаи назаридан таҳлил қилинмоғи лозим.

Кейинги йилларда ўтказилган маркетинг изланишлари шуни кўрсатадики, барча мамлакатлар учун хос бўлган нарса, бу фан-техника тараққиёти кучайиши билан интеллектуал потенциал ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланиб боради ва унинг жиддий қисми бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам зехн-идрок ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ўсиб бориш хусусиятига эгадир. Бугунги кунда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб бормоқда. Шу сабабли ҳам бозор иқтисодиёти ривожланган АҚШ, Япония, Германия, Буюк Британия каби мамлакатларда фан ва илмий изланишларга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари бўйича асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан юқоридир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг кўламда маркетингни ривожлантириш батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малака, юксак маданиятли, ватаним деб яшовчи кадрлар тайёрлашни ва бу соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам тез суръатлар билан ривожланишда реал инвестиция таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган реал инвестициялар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

Маркетинг изланишлари стратегия ва тактикасини бошқариш - бу муаммолар устувор даражасида бўлмоғи лозим. Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсади, сарфланиш йўналиши ва бошқа кўрсаткичларга кўра ҳудудлараро, тармоқлараро, технологик ҳамда қайта ишлаб чиқариш тадбирларига эга. Бундай инвестицияларни, уларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бинобарин, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий харажатдан

Йиғиндисидаги улуши инвестицияларни технологик таркибини ташкил этади. Бу миқдор ҳам кўп жиҳатдан маркетинг билан, маркетингни илмий бошқариш билан узвий боғлангандир. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисми шахсий инвестициялар ҳиссасига тўғри келади. Давлат секторида ҳам реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, ҳамда давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади. Давлат томонидан ўзлаштириладиган инвестициялар, авваламбор, бозор инфраструктурасини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларни самарадорлигини кўтариш асосан, асосий капитални актив элементларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалга оширилмоғи лозим. Бу вазифани ҳал этишда маркетинг фаолиятини тўғри ташкил этиш ва бошқариш алоҳида аҳамиятга лойиқдир.

Жаҳон хўжалик системасида ишлаб чиқариш тобора байналминаллашиб бориши билан капитални экспорти кенгайиб бориши ва ташқи инвестициялар ҳажми ўсади. Корхонани (фирмани, компанияни) бошқариш ҳуқуқига эга бўлиши, ёки бўлмаслик жиҳатдан ташқи инвестициялар икки турга ажратилди. Улардан биринчиси, тўғри инвестициялар, иккинчиси эса портфеллик инвестициялардир. Агарда корхоналар тўғри чет эллик инвестициялар иштирокида ташкил этилган бўлса, бу ҳолда чет эллик инвесторлар корхонани бошқариш ҳуқуқига эга бўлади. Портфелли инвестициялар эса, ўз эгаларига, корхонани бошқариш ҳуқуқини бермайди. Маркетинг ходимлари қайси ҳолда инвестицияларнинг қайси турини қўллаш лозимлигини, корхона ва қолаверса мамлакат манфаати нуқтаи назаридан ҳал қилмоғи лозим.

Назарий жиҳатдан олганда, маркетинглар бу ишни ижобий ҳал қилишга ёрдам бермоқлари керак. Улар шунингдек, реал капитални жамғариш жараёнини ташқи инвестицияларга боғлиқлик даражасини

сабабини, жумладан, ишлаб чиқариш комплексини қайси типда бўлиши, дунё хўжалик алоқаларига ва халқаро меҳнат тақсимоотида иштироки, ички бозорни ўсиш суръатлари, ташқи инвестициялар оқими ҳамда импорт қилувчи мамлакатларда инвесторлар учун яратилган қўлайликларга ҳам боғлиқлигини аниқлайдилар. Маркетологлар бу борада инвесторлар ўз фойдаларини олиб чиқиб кетган ҳуқуқининг кафолатини импортчи мамлакат иқтисодиётини барқарорлиги, унинг пул бирлигининг конвертланиши ва бошқа муҳим инвестиция иқлимини яратишга ёрдам бермоқлари лозим.

Йирик ривожланган мамлакатлар кўп тармоқли ишлаб чиқариш комплексларига эга бўлгани учун ўзлаштирилган реал инвестицияларида ташқи инвестициялар даражаси паст даражада бўлади. Аммо кам ривожланган, паст экспорт воситасига эга бўлган ва манбалар сифатида давлат субсидияларини ишлатувчи ҳамда халқаро молия-кредит ташкилотларидан маблағга муҳтож бўлган давлатларда ташқи инвестициялар даражаси нисбатан юқоридир. Ички бозорларни риважлантирилиши, ташқи бозорларга ўз маҳсулотлари билан кириб боришлари, халқаро шартномаларда иштирок этишлари ва бошқалар ташқи инвестициялар оқимини кўпайтиради ва ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Бу эса халқаро маркетинг принциплари асосида иш юритишни тақозо этади. Демак, инвестициялар маркетинги шу принциплар асосида бошқарилмоғи лозим. Инвестициялар маркетингини бошқариш бевосита инвестор мамлакатлар томонидан келажакда инвестиция қабул қилиб олувчи регионни, мамлакатни ўрганиши, мавжуд халқаро ресурсларни мавжуд технологияси ва техникасини ўрганиш ва бошқа йўналишни ўз ичига олади. Инвестиция маркетингини бошқариш ўзининг кузатишларида танланган объектни комплекс равишда қаратилади. Инвестиция маркетингини бошқариш бевосита ўзининг кузатишларида капитал қўйилмаларининг қўйилиши лозим бўлган корхоналарнинг маълум прогноз қилишда ва ишлаб чиқарган товарларни реализация қилиш учун бозорларни ўрганишни мақсад қилиб қуйилади. Умуман инвестициялаш маркетингини бошқариш жаҳон

иқтисодиётида 20-йиллардан кенг миқёсда ўрганила бошлади. Натижада, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишда, жаҳон бозори янги товарлар билан таъминланади ва дунёдаги тараққиёт олдинги даврга нисбатан кўтарилади. Инвестиция маркетингини бошқариш дунё тажрибасида ҳамда хўжалик иқтисодий системасида иккинчи жаҳон урушидан кейин янада ривожланди. Бунга Япония, Германия каби мамлакатлар иқтисодиётига киритилган инвестициялар мисол бўла олади. Албатта бу ишлар маъмурий бошқариш асосида амалга оширилгани учун маркетинг хизматларига зарурат бўлмайди, бироқ, кейинги йилларда ва айниқса, инвестицияларни жойлаштириш, улардан фойдаланиш борасида инвестиция маркетингининг аҳамияти ўсиб боради. Япония, Германия мисоли инвестиция маркетингини бошқариш қайси мамлакатга йўналтирилганлигидан қатъий назар, у аввало инвесторга, яъни эгасига фойда келтиради. Бу инвестиция олиб келган мамлакатнинг иқтисодий тикланиш, бу ерда ишлаб чиқаришни ташкил этишда янги технологияларни олиб келиниши олдиндан таъминланиши керак ҳамда барпо этилган корхоналар инвестицияси ҳам таъминланган бўлиши керак.

1.2 Инвестицияларнинг таснифланиши ва турларининг тавсифи

Инвестициялар турли шаклларда амалга оширилади ва уларни таҳлил қилиш, режалаштириш учун алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда гурухлаштирилади.

Биринчидан, қўйилиш объектига қараб инвестициялар реал ва молиявий шаклларга ажратилади.

Реал инвестициялар (капитал қўйилмалар) – пул маблағларини корхонанинг моддий ва номоддий активларига сарфланишидан иборат.

Моддий инвестициялар асосий капиталнинг элементларини сотиб олиш билан боғлиқ бўлиб, кўпчилик ҳолларда инвестицион лойиҳалар доирасида

амалга оширилади. Шунинг учун шахсий маблағлар билан бирга қарзга олинган маблағлар ҳам фойдаланилиши мумкин. Қарзга маблағ олинган ҳолда инвестор ролини аниқ лойиҳаларга кредит маблағлари ажратаётган банк бажаради. Номоддий (потенциал) инвестициялар номоддий бойликлар яратилаётганда амалга оширилиб, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (НИОКР) амалга ошириш, янги маҳсулотларнинг намуналарини яратишга сарфларни мужассамлаштиради.

Фан-техника тараққиётини тезлашуви билан интеллектуал салоҳият ишлаб чиқаришни энг кучли омилига айланди, унинг жиддий унсури бўлиб қолди. XX аср бошларида фан ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш учун сарфланадиган қўйилмалар ошиб боради. Шунинг учун ҳам жаҳонда реал инвестициялар таркибида илмий изланишлар, фан, таълим, кадрлар тайёрлаш учун сарфланадиган харажатлар ўсиб бормоқда. Масалан, АКШ, Япония ва бошқа ривожланган мамлакатларда фан ва илмий изланишга сарфланадиган қўйилмалар ўсиш суръатлари асосий фондларга сарфланадиган инвестициялардан устундир. Жаҳон бозорига кириб бориш, кенг кўламда маркетингни ривожлантириш, батафсил ахборотга эга бўлиш, юқори даражадаги компьютер тизимларини ташкил этишни, юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва мазкур соҳада дунёдаги ривожланган давлатлар даражасига эришишни талаб этади. Шунинг учун ҳам жадал суръатлар билан ривожланиш реал инвестициялар таркибида фан, техника, таълим, кадрларни қайта тайёрлаш учун сарфланадиган реал инвестициялар асосий ўринлардан бирини эгаллаши зарур.

Асосий фондларга сарфланган реал инвестициялар мақсади сарфланиш йўналишлари ва бошқа кўрсаткичларга кўра худудлараро, тармоқлараро, технологик, қайта ишлаб чиқариш таркибларига эга. Асосий фондларга сарфланган инвестицияларни, уларнинг актив (машиналар, асбоб-ускуналар) ва пассив (бино, иншоотлар) қисмларини ташкил этиш учун сарфланган умумий ҳаракат йиғиндисидеги улуши инвестицияларнинг технологик

таркибини ташкил этади. Қайта ишлаб чиқариш таркиби инвестицияларнинг қандай мақсадларга йўналтирилганлиги; янги кўрилишга, ишлаб турган корхоналарни кенгайтиришга, реконструкцияга ва янги техника билан қайта қуроллантиришга жалб қилинган харажатларни умумий харажатлардаги ҳар бирининг нисбий жиҳатдан улушини кўрсатади. Инвестицияларнинг худудлараро ва тармоқлараро таркиби эса уларнинг нисбий жиҳатдан худудлар ва тармоқлар бўйича тақсимотини билдиради.

Ривожланган мамлакатларда реал инвестицияларнинг асосий қисмини шахсий инвестициялар ташкил этади.

Давлат секторида реал инвестициялар сарфи муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодий мувофиқлаштириш сиёсати асосида кредитлар, субсидиялар ажратилади, давлат капитал қўйилмалари мувозанатлаштирилади ва реал инвестициялар ўзлаштирилади.

Давлат томонидан ўлаштириладиган инвестициялар. Дастлабки бозор инфратаркибини ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантиришга сарфланади. Инвестицияларни самарадорлигини ошириш асосий капитални актив элементларини вужудга келтириш ва ўстириш ҳисобига амалга оширилади.

Реал инвестицияларни тавсифномалаш уларни ҳажми ва даромад меъёрлари асосида олиб борилади. Инвестициялар ҳажми ўзлаштириладиган қўйилмалар қийматини ифодалайди, инвестициялар миқдори эса уларнинг ҳажмини ЯММга ёки ЯИМга бўлган нисбатини ифодалайди. Инфляция юқори ва чуқурлашган даврда эса айтилган кўрсаткичларга унинг таъсири тўғридан-тўғри бўлади. Инвестиция меъёри ишлаб чиқарилган ЯИМ ёки ЯММ қанчалик капитал сиғимкорлигини, яъни қай даражада капитал харажатларини талаб қилинишини билдиради. Жамғариш самараси капитал сиғимкорлигини ўсиши коэффициентлари асосида аниқланади.

Молиявий инвестициялар капитални, тўлов ва молиявий мажбуриятларнинг барча турларини ўзида мужассамлаштирувчи, молиявий активларга жойлаштирилишини англатади. Ушбу молиявий воситаларнинг

энг муҳимлари қимматли қоғозлардир: улушли (акциялар) ва қарз (облигациялар). Реал инвестициялардан фарқли, чунки бу ҳолда инвесторнинг асосий мақсади бўлиб молиявий активларнинг мукамал йиғмасини (инвестициялар портфелини) шакллантириш ва қимматбаҳо қоғозлар билан амалга ошириладиган турли операцияларни бошқариш ҳисобланади.

Молиявий инвестициялар шахсий компаниялар ва давлат идоралари томонидан муомалага чиқарилган акцияларга, облигацияларга ва бошқа қимматли қоғозларга ва банк депозитларига, узоқ муддатга жалб қилинадиган қўйилмалардир. Молиявий инвестицияларнинг асосий қисми, капитални ноишлаб чиқариш соҳасига сарфланишини билдиради. Молиявий инвестициялар аксарият ҳолатларда реал инвестицияларнинг манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Молиявий инвестициялар эркин бозор инфратаркиби ривожланган мамлакатларда, қимматли қоғозлар бозори орқали капитални соҳалар бўйича тақсимланишида муҳим аҳамиятга бўлган давлатларда кўпроқ тарқалган. Ривожланган мамлакатларнинг молиявий инвестицияларининг таркибида асосий ўринни шахсий инвестициялар ташкил қилади.

Шахсий инвестициялар, тадбиркорлар, хусусий фирмалар, концернлар ва акционер ташкилотлар томонидан таъқиқланмаган фаолиятларга сарфланадиган мулкдорлик ва интеллектуал бойликларни англатади. Етук қимматли қоғозлар бозори мавжуд бўлган мамлакатларда шахсий инвестицияларни кўпгина қисми махсус инвестиция фондлари томонидан сарфланади. Хорижий инвестицияларнинг молиявий шакли (портфель инвестициялар) миллий иқтисодиётда истиқболли корхоналарни аниқлаш ва кенг миқёсда инвестициялашни амалга оширишга асос бўла олади.

Иккинчидан, инвестицияда қатнашиш характериға кўра бевосита ва портфель инвестициялар фарқланади. Бевосита инвестициялар инвесторни ўз молиявий маблағларни жойлаштириш объектини тиклаш имкониятини беради. Портфель инвестициялар тижорат банклари, инвестицион

компаниялар ва фондлар ва бошқалар ёрдамида амалга оширилади. Молиявий воситачилар тўпланган маблағларни самарали, даромад келтирадиган қилиб жойлаштирадilar. Портфель инвестициялар бошқа эмитентларнинг андерраттинг ёрдамида қимматли қоғозларга жойлаштириш шаклида намоён бўлади.

Учинчидан, инвестициялаш даврига қараб инвестициялар қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга берилади) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошiq муддатга берилади) бўлади. Масалан, оддий акциялар умуман бирор – бир муддат билан чекланмайди. Масалан, депозит сертификати олти ой муддатга берилади – бу қисқа муддатли қўйилмалар воситасидир, облигациялар 20 йилда қайтариш муддати билан узоқ муддатли қўйилмалар воситасидир. Лекин, узоқ муддатли қимматли қоғозларни сотиб олиш ва қисқа муддатдан, масалан олти ой ўтгандан сўнг, инвестор узоқ муддатли қуролни қисқа муддатли мақсадлар учун фойдаланиш мумкин. Кўпинча инвесторлар ана шундай қуролларни танлайдилар ва ўз пулларини қисқа муддатларга қўйишни хоҳлайдилар. Масалан, яқин олти ой мобайнида инвесторга керак бўлмайдиган суммага, у олти ойлик муддатга эга бўлган депозит сертификати сотиб олиши мумкин: қирқ ёшга тўлган инвестор пенсияга чиққунча пул йиғиш учун бирон-бир компанияни облигациясини 20 йилга сотиб олиш мумкин. Одатда узоқ муддатли инвестициялар капитал қўйилмалар шаклида намоён бўлади.

Тўртинчидан, мулк шаклларида келиб чиқиб инвестициялар хусусий, давлат, қўшма ва хорижий шаклларга ажратилади. Хусусий инвестициялар нодавлат юридик шахсларининг ва фуқароларнинг маблағларини тадбиркорлик фаолияти объектларига қўйилишини англатади. Давлат инвестициялари давлат бюджети ва давлат корхоналарининг маблағларини жойлаштириш орқали намоён бўлади.

Бешинчидан, ҳудудий жойлаштирилиш бўйича инвестициялар ички ва ташқи инвестицияларга бўлинади.

Олтинчидан, инвестициялар таваккалик даражаси бўйича юқори таваккалли ва паст таваккалли инвестицияларга ажратилади.

Молия соҳасида таваккалик деганда инвестицияларга мутлоқ ёхуд нисбий миқдордаги фойда кутилганидан анча кам бўлади, бошқача айтганда, «таваккалик» атамаси кутилмаган натижа олиш имкониятини англатади. Қўйилма маблағларига фойдани мутлоқ ёхуд нисбий миқдорларини ёйилиши қанчалик кенг бўлса, таваккалик шунчалик катта бўлади ва аксинча. Якка инвестор энг кам таваккалчиликка эга бўлган давлат қимматли қоғозлардан тортиб энг юқори таваккалли товарларгача бўлган қуролларни кенг танлаш имкониятига эга. Капитални жойлаштиришни ҳар бир типи таваккални таърифидир, аммо ҳар бир муайян ҳолатда таваккалик ўша воситанинг аниқ хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, облигацияларга қараганда акцияларга қўйилмалар юқори таваккалик билан боғлиқ эканлиги маълум, шу билан бирга йирик компаниялар акцияларига қўйилмалар киритилишига қараганда юқори таваккалик облигацияларни топиш ҳам қийин эмас. Албатта, таваккалик кўп ҳолларда эмитентнинг, воситачининг ёки муайян молиявий воситаларни сотувчисини софдиллигига боғлиқ. Паст таваккалик инвестициялар муайян даромад олишни хавфсиз воситаси ҳисобланади. Аксинча, юқори таваккалли инвестициялар чайқовчилик ҳисобланади. Инвестициялаш ва чайқовчилик атамалари инвестициялашга икки турлича ёндашувни англатади. Айтиб ўтилгандек, инвестициялаш деганда қиймати барқарор турадиган ва нафақат даромадни ижобий миқдорини олиш, балки олдиндан даромадни айтиш мумкин бўлган қимматли қоғозлар ва бошқа активларни сотиб олиш жараёни тушунилади. Чайқовчилик шундай активлар билан операцияларни амалга оширишдан иборат бўлиб, фақат уларни бўлажак қиймати ва кутилаётган даромад даражаси ишончли бўлмаган ҳолатдир.

Инвестиция фаолиятини амалга оширувчилар қуйидаги белгилари бўйича таснифланади.

жорий фаолиятнинг йуналишлари бўйича институционал ва индивидуал инвесторлар. Институционал инвесторлар ролида саноат, савдо, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалардаги акционер жамиятлар намоён бўлсалар, индивидуал инвесторлар ролида фуқаролар намоён бўлади.

инвестициялаш мақсадлари бўйича стратегик ва бевосита инвесторлар ўз олдига компанияларни бошқариш ҳуқуқини олишни мақсад қилиб қўядилар. Буни улар бошқа компаниялар акцияларининг контроль пакетини сотиб олиш ёки уларнинг устав капиталининг катта қисмини эгаллаш орқали амалга оширадилар. Улар яна компанияларнинг қўшилиб ва банкрот бўлиб кетишларини амалга оширадилар. Портфель инвесторлар дивиденд ва фоиз шаклида даромад олиш мақсадида ўз капиталини турли молиявий воситаларга жойлаштирадилар.

резидентликка тегишлилиги бўйича миллий ва хорижий инвесторлар ажратилади.

1.3. Инвестицион фаолиятнинг меъёрий ҳуқуқий асослари.

Иқтисодиётни узоқ йиллар мобайнида экстенсив усулда ривожланиши давлат томонидан мувофиқлаштириб бўлмайдиган самарасиз инвестиция харажатларига олиб келди. Мамлакатда кўп асосий ишлаб чиқариш фондлари барпо этилди. Юқоридаги ҳолатлар ҳарбий саноат мажмуида ва тугалланмаган қурилишда маблағ ажратилишини тўхтатилишига ва тугалланмаган қурилишларни тўхтатилишига (консервациясига) олиб келди. Бундай ҳолатнинг асосий сабаблари собиқ иттифок ҳудудида узоқ йиллар давомида марказлашган режалаштиришни мавжуд бўлганлиги ва ижтимоий ва саноат маҳсулотларнинг таркибида ишлаб чиқариш қуроллари салмоғини устун даражада ўсишидир. Марказлашган режалаштиришни ривожланишни асосий шакли қилиб олиниши, ашёлар ва пул оқимлари орасидаги мутаносибликни бузилишига олиб келди.

XX асрнинг 80-йилларида истеъмол товарлари билан пул массаси ўртасидаги нисбатни бузилиши, бюджет камомadini ўсиб бориши ҳисобига бўлди. Иқтисодиётни номутаносиблигини учта кўрсаткич билан ифодалаш мумкин: давлат бюджетининг камомадлиги; хўжалик ташкилотларини банклар олдида истиқболсиз қарзларининг пайдо бўлиши ва аҳоли даромадларининг харажатларга нисбатан кўпайиб бориши.

Аҳоли даромадларининг ўсиб бориш даври ишлаб чиқаришни пасайиб бориши билан тўғри келади. Иқтисодиётда ишлаб чиқариш билан боғланмаган ҳолда турли хил пул даромадларининг ўсиб бориши жараёни юзага келди. Биржалар, аукционлар, қимматбаҳо қоғозлар бозорини барпо этилиши бу жараённи янада тезлаштирди. Давлат томонидан амалга оширилаётган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсати эса ушбу жараёнга кўшимча бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг вазифаси тадбиркорларнинг тижорат капиталини ишлаб чиқаришга сарфлаш, яъни ишлаб чиқариш инвестицияларига айлантиришдан иборат.

1990-1992 йилларда ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида давлат инвестицияларининг кескин қисқариши ва тижорат тизимлари капиталларини ноишлаб чиқариш соҳасида жалб қилиниши билан тавсифланади. Ўтиш даврида чуқурлашиб бораётган инвестиция инқирозини бартараф этиш учун давлат томонидан инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш талаб этилади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестиция фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш қуйидаги мақсадларда олиб борилди:

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатни иқтисодий сиёсатини амалга ошириш;
- давлат фан-техника сиёсатини амалга ошириш ва унинг асосида жаҳон бозорига чиқиш;
- мамлакатда ижтимоий сиёсатини юргизиш.

Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштириш биринчи навбатда ижтимоий ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштириш, янгилик ва ихтироларни тадбиқ этиш асосида ижтимоий талабларни қондиришга қаратилган. Бу борадаги мувофиқлаштириш инвестиция фаолиятининг шароитларини аниқлаш ва давлат инвестицияларини бошқариш билан бирга олиб борилади.

Давлат томонидан инвестиция фаолияти шароитларини мувофиқлаштириш қатор чора-тадбирларни амалиётга тадбиқ этиш негизида амалга оширилиши кўзда тутилади.

1. Солиқлар тизимини соддалаштириш, солиқ субъектлари, объектлари ва унинг миқдорларини табақалаштириш, ҳамда энгилликлар бериш;
2. фондларни амортизациясини тезлаштириш;
3. Амортизация сиёсатини тубдан ўзгартириш, хусусан асосий
4. Ривожлантириш учун дотациялар, субсидиялар, субвенциялар, бюджет ссудалари орқали молиявий ёрдам кўрсатиш;
5. Кредит сиёсати, давлат андозалари, яққа ҳокимликка қарши тадбирларини амалга ошириш. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва тугалланмаган қурилишларни хусусийлаштириш сиёсати;
6. Ер ва бошқа табиий бойликлардан фойдаланиш шарт-шароитларини аниқлаш;
7. Инвестиция лойиҳаларини текширувдан ўтказиш.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришни маълум объектив ва субъектив сабабларга кўра жорий этилиши қийин бўлмоқда. Инфляция юқори бўлган даврда ва янги банклар тизими вужудга келаётган жараёнда кредит сиёсатини бозор муносабатларига мослашиши оғир кечмоқда. Бозор муносабатлари шаклланаётган даврда, инвестиция лойиҳаларини экспертизалашда тажрибанинг етарли эмаслиги кўзланган самарага эришиш имконини бераётгани йўқ. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда муаммолар ечилиши лозим. Республикамизда инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлатни эътибори биринчи навбатда қайд қилинган муаммоларни бартараф этишга қаратилиши зарур.

Бюджетдан ташқари инвестиция фондларини ташкил этиш ва улардан фойдаланиш давлат томонидан инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда иқтисодий усуллардан бири ҳисобланади. Турли мулкчиликни шаклланиши муносабати билан бу борада ҳам давлат олдида, янгидан ташкил топаётган

тижорат тизимлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича муаммоларнинг келиб чиқиши маълум.

Давлат инвестицияларини тўғридан-тўғри бошқариш, инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни шакли ҳисобланади. Бунда, бошқариш бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари фондлар, бошқа жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига инвестицияларни прогноزلаш, инвестициялашни шарт-шароитларини белгилаш ва аниқ фаолиятларни амалга оширишни ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни йўлга қўйиш иқтисодиётимизни барқарорлаштиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Инвестиция фаолиятидаги субъектлар ҳуқуқларининг барқарорлиги, доимийлиги давлат томонидан кафолатланиши зарурдир. Инвестиция фаолиятида субъектлар шартномаларда ўз мажбуриятларини бажармасалар қонунчилик, ҳамда имзоланган шартномаларга биноан мулкӣ ва бошқа жавобгарликларга тортиладилар.

Барча инвесторларнинг инвестицияларининг кафолати, мулк шаклларида қатъий назар давлат томонидан таъминланади.

Инвестициялар тўловсиз миллийлаштирилмайди, реквизиция этилмайди. Агарда қабул қилинган қонунчилик актларига асосан инвесторларнинг банкларга қўйилган мақсадли банк жамғармалари, акциялар ва бошқа турли хилдаги қимматбаҳо қоғозлари давлат томонидан тартибга солинса, у ҳолда инвесторларнинг тўловлари ёки бўлмаса ижара ҳуқуқлари таъминланади. Инвесторларнинг ўзларининг хатти-ҳаракатлари оқибатида ёки уларнинг иштироклари билан йўқотилган қийматлар давлат томонидан қайтарилиши кафолатланмайди.

Бозор муносабатлари ривожланиши билан молия бозори ҳам аста-секин шаклланиб, ривожлана боради.

Маълумки, ҳар бир мамлакатда қонунчиликни ривожланиши бозор иқтисодиётига ўтишнинг танланган йўлига, бозор муносабатларининг

ривожланиш даражаси ва бошқа омилларга боғлиқдир. Бу соҳада хорижга чиқиш ва ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш асосида республика хусусиятлари, анъаналарини ҳисобга олиб, тез, қисқа вақт ичида ишга солиш алоҳида аҳамиятга эгадир. Маълумки иш юритишнинг аниқ шакл ва дастаклари ҳар бир соҳада қабул қилинган қонунларда ўз аксини топади.

Бугунги кунда корхоналарнинг ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш ва унинг асосида ички эҳтиёжларни қондиришда вужудга келган муаммолардан бири миллий валюта сўмини тўлиқ конвертлашмаганлиги ҳисобланади. Пулнинг конвертлашмаганлиги хорижий инвестиция жалб қилишга тўсқинлик қилмоқда. Қўшма корхоналарни фаолиятида дивидендларни ўтказиш, хорижий персоналга иш ҳақи тўлаш ва бошқа тўловларни юритиш доимий характерга эгадир.

Хорижий инвестицияларнинг жалб этишда “лойиҳа молиялаштиришни” йўлга қўйиш, лойиҳаларни таҳлил қилиш, макроиқтисодий изланишларни олиб бориш, таваккалчиликни баҳолаш, ўлчаш ва молиявий ҳисоб-китобларни тўғри йўлга қўйиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Лойиҳаларни молиявий жиҳатдан таҳлил қилиш халқаро амалиётда қабул қилинган кўрсаткичлар асосида ҳисоб-китобларни олиб бориш ва лойиҳаларни реаллигини аниқлаш имкониятларини яратади.

Молиявий таҳлилнинг мақсади лойиҳа цикли давомида инвестициялардан олинадиган фойда даражасини аниқлашдан иборатдир. Агар олинадиган даромад лойиҳа қийматидан юқори бўлса унда лойиҳа мақсадга мувофиқ деб ҳисобланади.

Инвестицияларни жалб қилиш дастаклари анча мураккаб ҳисобланиб халқаро ва миллий иқтисодиёт даражасида инвестицияларни жалб қилишда етарли тажрибалар мавжуд. Бу масалада бой тажрибага эга бўлган Жаҳон банки инвестицион фаолияти диққатга сазовордир. Жаҳон банки бир доллар инвестицияга ташқаридан қўшимча равишда 7-8 долларни жалб қилиш имкониятига эга.

Жаҳон банки инвестицион лойиҳалари халқаро ташкилот ва мутахассисларнинг назоратига асосланган ва банк томонидан “лойиҳа цикли” деб номланган лойиҳаларни тайёрлаш ва уларни амалга оширишни чекланган жараёнга мажбурий киритилган деб ҳисобланадилар. Лойиҳа цикли тушунчасига цикл тажрибага бир-биридан фарқ қилувчи лойиҳани тайёрловчи, ишлаб чиқарувчи, экспертиза қилувчи, баҳоловчи босқичлар, ҳамда турли нуқтаи-назарлар ва ўлчамлар тўплами киради. Улар асосида лойиҳани амалга ошириш хулосаларини баҳолаш мумкин бўлади. Жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган усуллар нимани, қандай қилишни, инвестицияларни қаердан келишини, лойиҳа бўйича яратиладиган маҳсулотни сотиш ва етказиб бериш, янги келажакда лойиҳаларни амалга оширишда қўлга киритилган тажрибаларни қандай ҳисобга олиш масаласини ечишда ишлатиладиган ягона ёндашувдан фойдаланиш имконини беради. Баҳолаш усули лойиҳаларни амалга ошириш харажатлари ва турли ҳолатлардан олинган натижаларни ўрганишга йўналтирилган бўлиб, хусусан меҳнат жамоаси ёки акционер томонидан; лойиҳани амалга оширувчи ташкилот томонидан; Жаҳон банки томонидан таклиф қилинган усуллар, ишлаб чиқилган лойиҳани иқтисодий ва техник нуқтаи-назаридан фойдали бўлиши учун фақат лойиҳани технологик ва жиддий техник томонларини ҳисобга олибгина қолмасдан, балки инвестициялаш, бошқарув ва молия таъминот тизимини, шунингдек лойиҳани ҳаётийлик қобилиятини ва узок хизмат қилиши натижаларини ҳам ҳисобга олиш зарур.

Эркин капитал, янги техника ва дастгоҳларни олиб келишга қўшимча иш жойларни яратишга қарамасдан хорижий инвесторларга нисбатан хушёр бўлиш давлатни инвестиция сиёсатини ва инвестиция муҳитини шаклланишига ҳақиқий омил бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, устун даражада асосан экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришни ҳамкорлик асосида ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш корхоналарни валюта жиҳатдан ўз-ўзини қоплашни таъминлайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги муаммоларни ечишда давлат тизимлари томонидан инвестиция фаолиятини тартибга солиш йўлини тўғри аниқлаш иқтисодиётни инқироздан олиб чиқишда муҳим масаладир.

Инвестицияларни йўналишларини аниқлашда мавжуд вазиятни ҳисобга олиш, Ўзбекистон иқтисодиётини қайта қуриш, хорижий мамлакатлар билан алоқаларни мустаҳкамланиши ва жаҳон бозорига ўз рақобатбардош маҳсулоти билан чиқишни асосий масала қилиб олиш лозим. Иқтисодиётни барқарорлаштириш инвестиция фаолиятини ташкил қилишни мавжуд моддий ва молиявий ресурслар билан боғланган ҳолда олиб боришни талаб қилади ва ишлаб чиқариш инвестицияларини энг зарур тармоқларни ривожлантиришга қаратилишини тақозо этади. Бу борада, айниқса, пахтачилик билан боғлиқ бўлган ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни ривожлантиришга эътиборни кучайтириш зарурдир. Ўзбекистон шароитида инвестициялар янги технологияларни мужассамлаштирган машина ва асбоб-ускуналарни сотиб олиш ва ишлаб чиқаришга қаратилиши самаралидир.

Иқтисодиётни инқироздан чиқариш, барқарорлаштиришда ва иқтисодий ўсишга эришишда инвестиция фаолиятини тартибга солишда қуйидагиларга эътибор бериш керак: капитал қўйилмалар сиёсати қандай амалга оширилиши лозим; давлат корхоналари ва ташкилотлари томонидан инвестициялар қандай ҳажм ва нисбатларда ўзлаштирилиши керак; бошқа мулкчилик шаклларидаги корхоналар инвестицияларини қайси соҳаларга йўналтириш керак; хорижий инвестицияларни устувор суръатда қайси тармоқларга йўналтириш зарур ва бошқалар.

Инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг муҳим шартларидан бири муомалада бўлган пул бирлигини қадрсизланишини олдини олишдир.

Инвестиция фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида инвестициялар ҳажми устувор йўналишлари ва манбаларини аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан биргаликда янги молиялаштириш, манбаларини аниқлаш кредит билан таъминлаш, баҳони таҳлил қилиш,

солиққа тортиш тизимларини такомиллаштириш лозим. Таркибий ўзгаришларни ўтказиш мақсадида чет эл инвесторлари учун сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий шароитларни яратиш, уларни қўйилмаларини давлат томонидан суғурталаш, турли имтиёзлар бериш муҳим ҳисобланади.

Бозор инфраструктурасини ривожланиши инвестициялар бозорини шаклланишида алоҳида ўрин тутди. Турли мулкчиликни шаклланиши давлат инвестицияларининг улушини умум инвестиция ҳажмида анчагина пасайишига олиб келади ва аксинча, нодавлат мулк турларининг инвестициялари ҳажми эса кескин ўсади.

Бозор муносабатларини йўлга қўйиш тугатилмаган қурилишларни қайта рўйхатдан ўтказилишини тақозо этади. Бунинг асосида эса қурилиш муддатлари тугаган ва чўзилиб кетган ишлаб чиқариш қурилишларини тўхтатилишини, кераксизларини бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан воз кечиш масаласини ҳам қўндаланг қилиб қўяди. Тугалланмаган қурилиш объектларини бошқа мулк эгаларига сотиш, ижарага бериш имкониятлари аниқланади. Ижарага топшириш зарур қурилиш объектларини қисқа муддат ичида битказилиши ва ишга туширилишини таъминлайди.

Инвестиция бозорини барпо этишда тугатилмаган қурилишларни таҳлили натижалари бўйича, жами керак бўлмаган захирадаги ва ортиқча воситаларни улгуржи савдосини ташкил этиш лозим бўлади.

Инвестициялар бозорини барпо этилиши турли кичик, ўрта ва йирик қурувчи пудрат ташкилотларини вужудга келишини таъминлайди. Улар турли хилдаги мулкчилик эгалари томонидан ташкил этилади ва рақобат муҳитини ривожланишига олиб келади.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш мавжуд кўпгина зарарли ва паст рентабелли корхоналарни тугатилишини талаб қилади.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида инвестиция фаолиятини ташкил этишни мувофиқлаштириш мақсадида давлат молия ва кредит дастакларидан унумли фойдаланиши лозимдир.

Таркибий сиёсат - ўтиш даврида давлат иқтисодий сиёсатини муҳим йўналишларидан биридир. Хўжалик тизимининг бир шаклидан бошқа шаклига ўтиши, таркибий ўзгаришларни зарурияти даставвал режали иқтисодиётдан қолган техник қоқоқлик ва нисбатларини акс эттирмайдиган нархлар, доимий тақчиллик ва ресурсларни фойдаланишни харажат дастакларини ҳукмронлиги шароитида муайян сиёсий вазиятга боғлиқ равишда амалга оширилади.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш сиёсати экспортни кенгайтириш ва импортни қоплашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни давлат тамонидан қўллаб-қувватлаш ҳисобига амалга ошади. Ҳамма инвестицияларнинг 60% га яқини устувор тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилиб, илғор технология ва ускуналарни келтирувчи бевосита йўналтирилган инвестициялар мамлакат учун ўта муҳим бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қўшма корхоналар барпо қилишга сарфланмоқда.

Ўзбекистон саноатининг муҳим хусусиятларидан бири унинг қишлоқ хўжалиги билан чамбарчас боғлиқлигидир. Яъни у машинасозлик (кимё ва нефть-кимё ҳамда қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш) билан қишлоқ хўжалик хом-ашёсини қайта ишлаш (енгил, қайта ишлаш ва бошқ.) саноатини ресурслар билан таъминлайди. Республикани саноат маҳсулотини 2/3 миқдорга яқини қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган тармоқлар ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан биргаликда Ўзбекистонда бой маъдан конларига асосланган рангли ва қора металлургия, ёқилғи, қурилиш ашёлари каби саноат тармоқлари ривожланди. Йирик нефть ва газ конлари негизида ёқилғи саноатини ривожлантириш, йирик иссиқлик электростанцияларини, кимё ва нефть-кимё саноати корхоналарини қуриш имкониятини берди.

Инвестиция фаолиятини бошқаришнинг мақсади ва мазмунини ҳам тўғри англаш алоҳида аҳамиятга эга.

Инвестор фаолиятининг мазмунини инвестицион жараён тушунчаси билан таърифлаш мумкин. Унинг таркибига қуйидагилар киради:

1. Ташкилот фаолиятининг мақсади ва чекловлар асосида инвестиция стратегиясини, ҳамда бозор берадиган имкониятларни шакллантириш.

2. Умуман бозорни таҳлил қилишни, уни сегментлари, алоҳида қимматли қоғозларни назарда тутувчи инвестицияларни таҳлил қилиш.

3. Инвестиция қарорларини шакллантириш.

4. Инвестиция портфелини бошқариш.

5. Инвестиция фаолияти самарадорлигини баҳолаш.

Юқорида келтирилган вазифалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Инвестиция стратегиясининг асосини молиявий институтлари фаолияти, мақсади ва чекловлари ташкил этади.

Инвестиция стратегияси вазифасини қуйидагича шакллантириш мумкин: мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, режали истиқболда, ушбу ташкилот учун мижозлар олдидаги мажбуриятлар нисбати, қонуний ва бошқа чекловларга қараб инвестиция қарори яхши бўлади.

Инвестиция институтларининг стратегияси одатда инвестиция декларацияси деб номланадиган махсус ҳужжат билан шакллантирилади.

Аслида инвестиция декларацияси инвестиция фондининг ёки инвестиция компаниясининг низом фондининг бир қисми ҳисобланиб матбуотда эълон қилиниши, уни асосий мазмуни эса аниқ тартибланиши лозим. Аммо инвесторлар маблағлар рақобати учун объектив шароит йўқлиги кўпчилик инвестиция фондлари ва компаниялари декларациялари уларни номигагина ишлашига сабабчи бўлади ва фақатгина меъёрий талабларни қондириш мақсадида тузилади.

1. Ташкилот мақсади. Стратегик мақсадлар инфляциядан маълум фоиз ортиқ бўладиган кафолатланган энг кам даромадни таъминлашдан иборат бўлиши керак. Декларация баъзи андоза портфелини (маълум фонд индекслари асосида шакллантириш) даромадлилигидан ортадиган мажбуриятларни акс эттириши мумкин.

2. Режали истиқбол. Декларация қилинадиган режали истиқбол бу жорий инвестиция стратегиясида мўлжалланган вақт оралиғидир. Режали истиқбол инвестиция қарорларини мақбуллаштириш учун асос бўлиб ҳисобланади.

3. Портфель таркиби ва инвестиция фаолиятини чеклаш. Инвестиция декларацияси кўпинча портфель таркибидаги умумий чекловларни акс эттиради: масалан, инвестициялаш мажбурияти юқори даромадли мажбуриятларга энг кам фоизни белгилайди (энг юқори рейтингга эга бўлган давлат қоғозлари ёки корпорация облигациялари). Шу билан бир вақтда бозорнинг бошқа сегментларида инвестициялар бўйича чекловлар белгиланади, ҳамда бир эммитентнинг қимматли қоғозларига инвестициялар бўйича чекловлар қўйилади.

4. Бозорни асосий сегментларини даромадлилиги ҳақида тахминлар. Бозорни асосий сегментларини таваккаллиги ва даромадлиги ҳақида ташкилот тахминларини декларация қилиш, ҳамда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш ва қарорлар қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган инфляцияни бўлажак даражаси анча тарқалган ҳисобланади.

5. Ҳисобот, самарадорликни аниқлаш, даромадлар тўлаш муддатлари ва таркиби. Инвестиция декларациясида инвестиция фаолиятини самарадорлигини баҳолаш биринчи навбатда, қўйилган мақсадларга эришишга таъсир қилиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат ҳақида ахборот тўғрисидаги мажбуриятлар бўлиши мумкин. Инвестиция институтлари учун мустақил ташкилот томонидан ўтказиладиган даврий аудит мажбурийдир.

Инвесторлар томонидан бўладиган ишонч омилига инвестиция муҳити сезгир бўлиб, декларацияланган фаолиятни ҳақиқий натижасига мувофиқ назорат имкониятларини мавжудлиги - рақобат доирасида бўлган бозор учун ҳамда ҳар қандай молиявий институт учун муҳимдир.

Сармоя қарорларини қабул қилиш тамойилларини актив ва пассив тоифага бўлиш мумкин. Пассив ёндашув молия бозорини самарадорлигини

ўртача бозор даражасидан паст бўлмаган даражасини таъминлаши, шу билан бирга таваккалчиликни турли-туман омилларидан инвестицияларни хавфсизлантиришдир. Пассив ёндашувнинг асоси - **инвестицияларни диверсификациялаш**дир

Диверсификациялаш, ёки инвестицияларни турлича сегментларини, қимматли қоғозлар бўйича тақсимлаш ҳар бир муайян тури билан боғлиқ, яққа хавфдан халос бўлишга имконият яратади. Бир йўла диверсификация бозор ёки тизимли таваккалчиликни бараварлаштиради. Пассив ёндашувга амал қиладиган инвестор, маълум маънода бозорга эргашади.

Ҳар қандай молиявий институт учун таваккалчиликнинг бош манбаи фоиз таваққали ҳисобланади. Ташкилотлар инвесторлари мувозанатини ташкил қилувчи молиявий активлар ва мажбуриятлар қиймати, бевосита бозор ставкалари таъсирида бўлади.

Идеал ҳолатда, ташкилотнинг барча активлари муддатлари бўйича молиялаштирилган мажбуриятларига мос келса фоиз ставкаларини таъсири муаммолари бўлмайди.

Активларни вақтинча таркиби ва мажбуриятларини мувофиқ келиш муаммосини ҳал қилишини самарали усули муддатлилиқ таҳлил қилишдир. Муддатлилиқ кўрсаткичини фақатгина облигацияларга эмас, балки ҳар қандай вақтда жойлашган пул оқимлари таркибига ҳам қўлланиши мумкин.

2. ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АМАЛИЁТИ

2.1 Асосий воситаларга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳисоби

Асосий воситаларга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳаракати билан боғлиқ муомалаларнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси 21-сон «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетлари режаси ва уларни қўллаш бўйича йўриқнома» бухгалтерия ҳисоби миллий стандарт (БҲМС) ига мувофиқ, 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счетлар” сметида юритилади. Ушбу счет корхонанинг асосий воситаларни қуришига ёки сотиб олишга сарфлаган инвестициялари ҳамда маҳсулдор ва ишчи ҳайвонларнинг асосий подасини (қийматидан қатъи назар корхонанинг айланма воситалари таркибига қиравчи паррандалар, мўйнали ҳайвонлар, қўёнлар, асаларилар, қўриқчи итлар, тажриба ҳайвонларидан ташқари) шакллантиришга сарфлаган харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Капитал қўйилмаларга, яъни асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мулкка сарфланган инвестициялар бир-биридан фарқланади. Корхонанинг капитал қўйилма объектларига сарфланган инвестициялар ҳақидаги умумлашган маълумотлар (асосий воситалар, номоддий активлар), юқорида айтилганидек, 0800 “Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счетлар” актив сметида шакллантирилади. Аналитик ҳисоб ҳар бир инвестиция, хўжалик шартномаси ва харажат элементлари бўйича ташкил қилинади. Айтиб ўтилган объектлар фойдаланишга қабул қилинган уларнинг баланс қиймати 0100 “Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счетлар” ва 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи счетлар” сметида ҳисобга олинади. Капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш тартиби қуйидаги 2.1.1.-чизмада кўрсатилган.

Асосий воситаларга йўналтирилган инвестициялар капитал қурилишга мўлжалланган инвестициялар, асосий воситалар ва бино-иншоатларни сотиб олиш ҳамда қуриш билан боғлиқ инвестицияларга бўлинади.

Инвестиция фаолиятини бошлагунга қадар инвесторлар аввалам бор ушбу фаолиятни молиялаштириш масалаларини ўрганиб чиқадилар.

Инвестиция фаолиятини молиялаштириш инвесторларнинг хусусий маблағлари ва унга тенглаштирилган манбалар ҳисобига амалга оширилади. Инвестиция фаолиятини молиялаштириш манбалари ва уларни ҳисобини ташкил қилишни кўриб чиқамиз.

Инвесторнинг хусусий маблағларига асосий воситаларни амортизация ажратмалари ҳамда соф фойданинг бир қисми киради. Молиялаштиришнинг манбаларига бюджет ажратмалари ва хусусий воситаларни молиялаштиришга тенглаштирилган акционерларнинг беғараз берган маблағлари киради. Бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан қарз ёки банк кредитлари шаклида вақтинча олинган маблағлар эса инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қарз маблағлари қаторига киради. Жалб қилинган маблағлар келгусида ташкилотнинг хусусий ва уларга тенглаштирилган маблағлари ҳисобига шартномаларда белгиланган муддатларда қайтарилади. Қурувчи ташкилотлар, объектлар қуриш шартномаларига кўра, ҳар или капитал қурилишларни молиялаштириш манбаларини уларнинг турлари ва миқдорига кўра аниқлайдилар. Капитал қурилишни молиялаштириш валюта ҳисоб рақамларидан ёхуд капитал қурилишни молиялаштиришга мўлжалланган махсус ҳисоб рақамлардан амалга оширилиши мумкин. Капитал қурилишни молиялаштириш манбаларини ҳисобга олиш тартиби уларнинг турига боғлиқ бўлади. Баъзи бир ҳолларда манбаларнинг мавжудлиги ва улардан келган тушумлар ташкилотларнинг аналитик ҳисоби ҳисобларида акс эттирилади, баъзиларида эса акс эттирилмайди. СП «Узкейс-сервис» компаниясида молиялаштириш манбалари, чет эл банк кредитлари ёки ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинган қарзлар бухгалтерия ҳисобида

бевосита ўз ифодасини топади, бошқа турлари ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади.

Банкнинг капитал қурилишни молиялаштиришга берган кредитлари ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида улар олинган муддатларга қараб:

Дебет 5100 “Ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларини ҳисобга олиш” ёки,

Дебет 5200 “Чет эл валюталаридаги пул маблағларини ҳисобга олиш”,

Кредит 6810 “Банкнинг қисқа муддатли кредитлари” ёки,

Кредит 7810 “Банкнинг узоқ муддатли кредитлари” ёзувлари билан акс эттирилади.

Кредитлардан фойдаланганлик учун фоизларни ҳисоблаш тузилган кредит шартномаларига кўра улар берилган санадан бошланади. Ушбу маблағлардан фойдаланганлик учун фоизлар, одатда шартномада белгиланган муддатларда ишга туширилгандан кейин қайтарилади; фаолият кўрсатаётган корхоналарда қурилаётган объектлар бўйича эса ушбу маблағлар олинган кундан бошлаб мунтазам (ҳар ойда) тўлаб борилади. “УзКейсСервис” компаниясида банклар билан кредитлар бўйича ҳисобланган фоизлар учун ҳисоб-китоблар бухгалтерияда қуйидагича акс эттирилади:

1. Банк кредитлари учун фоизлар ҳисобланганда.

Дебет 9610 “Фоизлар кўринишидаги харажатлар”,

Кредит 6920 “Ҳисобланган фоизлар”
2. Банк кредитлари ва улар учун ҳисобланган фоизлар банкка тўланганда.

Дебет 6810 “Банкнинг қисқа муддатли кредитлари” ёки,

Дебет 7810 “Банкнинг узоқ муддатли кредитлари”;

Дебет 6920 “Ҳисобланган фоизлар”,

Кредит 5100 “Ҳисоб-китоб рақамидаги пул маблағларини ҳисобга олиш”.

Шундай қилиб, юқорида келтирилган бухгалтерия ўтказмаларидан келиб чиқиб, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун фойдаланилган кредит ва заёмлар бўйича ҳисобланган фоизлар молиявий фаолият бўйича

харажатларга киритилади. Бироқ, капитал қўйилмалар инвестиция фаолияти ҳисобланади ва халқаро амалиётда заёмлар бўйича харажатлар қурилаётган бинонинг қийматига киритилади, яъни капитализастия қилинади.

Масалан, СП «Узкейс-сервис» компанияси 2012 йил 1 январда бино қуришни бошлади ва уни биринчи кварталда узоқ муддатли кредит бўйича 2012 йил 31 декабр муддатигача тўлаш учун йиллик 11,37 фоизлик 1466329 немис маркаси миқдоридан узоқ муддатли мажбурияти мавжуд. 2002 йил 1 майда компания яна 433671 марка миқдоридан кредит олди. Кредитнинг қайтарилиш муддати 2012 йил 30 апрелгача. Агар, компания қурилаётган бинога тегишли харажатлар бўйича фоизларни ҳар чорак харажатларини ўртача ўлчанадиган қиймат асосида капитализастия қилса, унда 2012 йил олти ойда қурилаётган бинога қилинган капитал қўйилмалар қўйидаги 2.1.1-жадвал маълумотлари асосида амалга оширилади.

2.1.1-жадвал. «Тугалланмаган қурилишга» сарфланган капитал қўйилмалар

Сана	Харажатлар	Сана	Харажатлар
1 январ	162747	30 апрел	249167
31 январ	419862	31 май	144820
28 феврал	433168	30 июн	258700
31 март	142988		

Демак, «УзКейсСервис» ОАЖ холдинг компаниясида бинонинг қийматига кредитлар бўйича 48212,8 (12316,2 + 35976,6) миқдоридан харажатлар суммаси киритилиши ёки халқаро стандартларга мувофиқ кредитлар бўйича харажатларни капитализастия қилиш мумкин.

Капитал қурилишга мўлжалланган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Объектлар қурилиши тугагунга қадар уларни қуриш харажатлари 0810 “Тугалланмаган қурилиш” счегида ҳисобга олинади. Бухгалтерия ҳисобида объектлар қурилиши бўйича харажатлар счега ҳужжатларида белгиланган харажатларнинг технологик структураси бўйича гуруҳланади. 0810

“Тугалланмаган қурилиш” счётидаги муомалаларни ҳисоби 18-сон «Капитал маблағ сарфлашлар бўйича харажатлар ҳисобини юритиш» номли (3-илова) ҳамда 18/1-сонли «Тугалланган капитал маблағ сарфлашлар бўйича харажатлар» номли (4-илова) қайдномаларда юритилади.

Қайдномада ҳар бир харажат гуруҳлари учун алоҳида бўлим, бўлим ичида эса капитал маблағ сарфлашлар объектлари бўйича ёки харажат турлари бўйича кўрсаткичлар учун алоҳида сатрлар ажратилади.

18/1-сонли қайднома 0800 «Капитал қўйилмаларни ҳисобга олувчи счётлар» счётидан 0100 «Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар» счётига ўтказиладиган тугалланган капитал маблағ сарфлашлар бўйича сарфларнинг таҳлилий ҳисобини юритиш учун тутилади. Ушбу қайдномадаги зарур ёзувлар 18-сонли қайднома маълумотлари асосида қайд этилади.

Ишлаб чиқариш харажатларини пудрат ёки хўжалик усулларида ҳисобга олиш бўйича ёндашувлар турлича бўлганлиги туфайли, зиддият вужудга келади: пудрат усулида ёки хўжалик усулида қурилган битта объект турли қийматликларда ҳисобга олинishi мумкин:

1. Пудрат усулида:

Дебет 0810 “Тугалланмаган қурилиш”,

Кредит 6010 “Мол этказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счётлар”.

2. Хўжалик усулида:

Дебет 0810 “Тугалланмаган қурилиш”,

Кредит 0200 “Асосий воситаларни эскиришини ҳисобга олувчи счётлар”,

Кредит 0500 “Номоддий активларни эскиришини ҳисобга олувчи счётлар”,

Кредит 1000 “Материалларни ҳисобга олувчи счётлар”,

Кредит 6700 “Ходимлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби” ва бошқа счётлар.

Қурилиш шартномасини тузишда қуриладиган асосий воситани асбоб-ускуналар билан таъминлаш қурувчининг зиммасида бўлса, уларни сотиб олиш, монтаж қилиш ва фойдаланишга топширишни ҳам қурувчи пудрат ёки хўжалик усулида амалга оширади. Монтаж қилиш талаб қилинадиган асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш учун қурувчи ташкилотлар 0700 “Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счетлар” сечидан фойдаланадилар. Ушбу сеч монтаж талаб қиладиган ва қуриладиган (қайта таъмирланаётган) капитал кўйилма объектларида ўрнатиш учун мўлжалланган технологик, энергетик ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг (шу жумладан устахоналар, тажриба қурилмалари ва лабораториялар) мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришга мўлжалланган. Асбоб-ускуналар 0700 “Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счетлар” сечидан сотиб олинган (тайёрланган) ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобга олинади, ушбу кўрсаткич сотиб олиш (тайёрлаш) нархлари ва ушбу қийматликларни тайёрлаш ва корхона омборларига этказиб бериш харажатларидан таркиб топади. 0700 “Ўрнатиладиган ускуналарни ҳисобга олувчи счетлар” сечти бўйича аналитик ҳисоб асбоб-ускуналарнинг сақланадиган жойлари бўйича уларни ватанимизда ишлаб чиқарилган ва импорт қилинган тоифаларга ажратилган ҳолда юритилади. Асбоб-ускуналарни ўрнатиш уларни монтаж қилиш бўйича бажарилган иш ҳажмлари ҳақидаги белгиланган тартибда расмийлаштирилган маълумотлардаги харажатларнинг мавжудлиги билан қайд қилинади.

Транспорт ва тайёрлов-омбор харажатлари асбоб-ускуналарнинг қийматидан алоҳида қурилиш харажатлари таркибида ҳисобга олинади.

Объектни қуриш шартномаларига кўра қурилишга асбоб-ускуналарни қурилиш ташкилотлари ёрдамида таъминланганда унинг қиймати қурувчининг ҳисобида, объектни қуриш харажатлари таркибида, шартномада кўрсатилган нархларда қурилиш ташкилотларининг тўланган ёки тўлов учун қабул қилинган сечларига асосан акс эттирилади.

Сметаларда кўзда тутилган бошқа капитал харажатлар (қурилиш материаллари, қурувчиларнинг иш ҳақи) ҳақиқий чиқимлар миқдориди (хўжалик усули), бошқа ташкилотларга тўланган (пудрат усули) ёки тўлов учун қабул қилинган счетларига кўра шартномадаги қиймати бўйича уларнинг турларига қараб ҳисобга олинади ва 0810 “Тугалланмаган қурилиш” сметида акс эттирилади.

Асосий воситаларни сотиб олиш билан боғлиқ инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқамиз.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисобида дастлабки қиймати бўйича баҳоланади, уларни дастлабки қийматининг таркибий қисмлари 5-сон “Асосий воситалар” номли БХМС да белгилаб берилган. Унга кўра “асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки) қиймати деб асосий воситаларни барпо этиш (қуриш ва қурилишни охирига этказиш) ёки сотиб олиш бўйича амалда қилинган харажатлар қийматига айтилади, бу қийматга тўланган ва ўрни қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек ускуналарни этказиб бериш, монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш харажатлари ва активдан кўзда тутилган мақсадда фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар ҳам киради”

Бироқ, келтирилган маълумотларда импорт қилинган асосий воситалар бўйича тўланган ва уларни дастлабки қийматига киритилган акстиз солиғи ва божхона божлари, капитал қурилишда фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳамда тугалланмаган қурилишни инвентаризастия қилиш натижасида аниқланган ортиқча қурилиш материалларини ҳисобга олиш ўз аксини топмаган. Бизнинг фикримизча, барча харажатларни 0810 “Тугалланмаган қурилиш” сметида тўлиқ акс эттириш мақсадида қуйидаги бухгалтерия ўтказмалари билан тўлдириш таклиф этилади:

1. Акстиз солиғи ва божхона тўловлари суммасига:

Дебет 0810 “Тугалланмаган қурилиш”,

Кредит 6410 “Бюджетга тўловлар бўйича қарз”.

2. Капитал қурилишда фойдаланилган банк кредитлари ва бошқа қарз мажбуриятлари бўйича фоизлар ҳисобланганда:

Дебет 0810 “Тугалланмаган қурилиш”,

Кредит 6920 “Ҳисобланган фоизлар”.

3. Инвентаризастия натижасида аниқланган қурилиш материаллари қиймати:

Дебет 1010 “Хом-ашё ва материаллар”,

Кредит 0810 “Тугалланмаган қурилиш”.

Умумишлаб чиқариш ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар, улар асосий воситаларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган ҳоллардан ташқари, асосий воситаларни сотиб олишга сарфланган ҳақиқий харажатларга киритилмайди.

Асосий фондлар (воситалар) қийматини қайта баҳолаш ҳар йили (жорий йилнинг 1 февралигача) 1 январ ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади. Қайта баҳолаш чоғида асосий фондларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, яъни улар худди шундай янги объектларга тўлиқ алмаштирилган тақдирда ташкилот амалга ошириши керак бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари (тарифлари) бўйича аниқланади, бунга объектларни харид қилиш (қурилиш), ташиш, ўрнатиш (монтаж қилиш) харажатлари, импорт қилинадиган объектлар учун эса - шунингдек божхона тўловлари ва ҳоказолар киритилади.

Таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатишнинг жорий харажатлари ҳисобот даври харажатларига киради, демак, улар инвестиция сифатида ҳисобланмайди ва асосий воситаларнинг қийматини кўпайтирмайди.

Шунингдек, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун фойдаланилган кредит ва заёмлар бўйича ҳисобланган фоизлар молиявий фаолият бўйича харажатларга киритилиши, шунингдек, капитал қўйилмалар инвестиция фаолияти ҳисобланганлиги сабабли ва халқаро амалиётда заёмлар бўйича харажатлар қурилаётган бинонинг қийматига киритилишини,

яъни капитализастия қилинишини ҳисобга олиб ҳамда ўртача ўлчанадиган қиймат харажатлари усулидан фойдаланиб, ҳар чоракда чиқим деб тан олинадиган ва капитализастия қилинадиган фоизлар бўйича харажатлар суммасини ҳисоблаш ва халқаро стандартларга мувофиқ кредитлар бўйича харажатларни капитализастия қилиш усулидан фойдаланиш таклиф қилинди.

2.2 Номоддий активларга йўналтирилган инвестицияларнинг ҳисоби ва уни такомиллаштириш

Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш босқичида бухгалтерия ҳисоби назарияси ва амалиётида пайдо бўлган мутлақо янги объектлардан бири - номоддий активлардир.

Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари, моддий активлар ташкилотга даромад келишини таъминловчи ягона омил эмаслиги ва уларнинг ашёвий негиз каби классик белгига эга бўлмаган лекин корхонанинг фойда олиш жараёнида ғоятда муҳим рол ўйнаши мумкин бўлган бошқа турлари мавжудлиги тобора яққол сезилиб бормоқда.

Номоддий активлар, бизнинг фикримизча, бугунги кунда миллий бухгалтерия ҳисоби услубиётининг энг мураккаб муаммоларидан биридир. Бухгалтерларнинг ушбу объектлар билан боғлиқ кундалик амалиёти, асосан куйидаги ҳолатлар туфайли қийинлашади:

-бухгалтерия ҳисоби услубиётида айрим масалаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, бунга кўп жиҳатдан муомалаларнинг ҳуқуқий шакли ва иқтисодий мазмуни ўртасида ҳамжиҳатлик констепстиясининг йўқлиги сабаб бўлади;

-турли меъёрий ҳужжатлар ўртасида қонун чиқариш технологиясининг ўзидаги нуқсонлар туфайли вужудга келган зиддиятлар ва номуносивликлар.

Ўзбекистон Республикаси 7-сон «Номоддий активлар» номли БҲМС кўра, ёномоддий активлар – моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик юритувчи субъект томонидан назорат қилинадиган, хўжалик фаолиятида

фойдаланиш учун ёки бошқарув мақсадларида узоқ муддат (1 йилдан ортиқ) фойдаланишга мўлжалланган мулк объектларидир”.

Ўзбекистон Республикаси 21-сон БҲМС га мувофиқ, «Корхонага тегишли бўлган номоддий активларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади: 0410 - “Патентлар, лицензиялар ва ноу-хаулар”; 0420-“Савдо маркалари, товар белгилари ва саноат намуналари”; 0430-“Дастурий таъминот”; 0440-“Эрдан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи”; 0450-“Ташкилий харажатлар”; 0460-“Франчайз”; 0470-“Муаллифлик ҳуқуқлари”; 0480-«Гудвилл»; 0490-“Бошқа номоддий активлар”».

Номоддий активларнинг асосий воситалардан фарқи – моддий-ашёвий қийматга эга эмаслиги. Корхонанинг барча активлари билан номоддий активларни бирлаштирадиган уларнинг фойда келтира олишидир.

Номоддий активларнинг ўзига хос тури – «гудвилл» (фирманинг нархи) тушунчасидир.

Ушбу атама, асосан корхонанинг ишбилармонлик нуфузини акс эттиради ва у корхона ўз активларининг қийматидан юқори нархга сотиб олинганда намоён бўлади. Бундай ҳолларда тўланган нарх объектнинг баҳоланган нархидан юқори бўлган қисми “фирманинг нархи” ни ташкил қилади ва харидор томонидан номоддий активлар таркибида ҳисобга олинади.

“Фирманинг нархи” тушунчасининг ўлчамига турли омиллар таъсир қилади, жумладан: корхонанинг жойлашган ўрни; корхона фаолиятининг самарадорлиги; маҳсулотнинг рақобатбардошлиги ва ҳ.к.

Номоддий активларни сотиб олиш, корхона томонидан яратиш уларни қабул қилиш-топшириш далолатномасига кўра қуйидаги бухгалтерия ёзувлари билан расмийлаштирилади:

Дебет 0400 “Номоддий активларни ҳисобга олувчи счетлар”

Кредит 0830 “Номоддий активларни сотиб олиш”.

Номоддий активлар амортизастиясининг ҳисобланган суммаси ишлаб чиқариш харажатлари (муомала харажатлари, маъмурий харажатлар, сармоя кўйиш) ни ҳисобга олиш счетлари дебети ва 0500 “Номоддий активларни амортизастияси ҳисоби” счетлари кредитига киритилади.

7-сон БҲМС нинг 16-моддасига кўра, «хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолияти жараёнида номоддий активларни харид қилиш, ривожлантириш ва кўпайтириш бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади...»³.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1037-моддасига кўра, «Муаллиф интеллектуал фаолият натижаларини яратиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома асосида келгусида асар, кашфиёт ёки бошқа интеллектуал фаолият натижасини яратиш ва ўзининг иш берувчиси бўлмаган буюртмачига бу натижадан фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олиши мумкин»⁴.

Бизнингча, «ривожлантириш» - буюмларга бўлган эгалик ҳуқуқи пайдо бўлишининг энг асосий ва дастлабки усулидир. Аммо номоддий активларга нисбатан, ривожлантириш эгалик ҳуқуқининг пайдо бўлишига асос бўла олмайди, чунки бундай активларнинг жисм эмаслигининг ўзи “ривожлантириш” атамасига тўғри келмайди. Номоддий активнинг яратувчиси эгалик ҳуқуқини қўлга киритмайди, балки ўз ижодининг маҳсулига нисбатан “мутлақ ҳуқуқлар”га эга бўлади. Шунинг учун ҳам, номоддий активларга нисбатан “ривожлантириш” эмас, “яратиш” атамасини ишлатишни таклиф этамиз.

Меъёрий ҳужжатларни ҳамда номоддий активларни ҳисобга олишнинг хорижий амалиёти таҳлили объектларни номоддий активлар қаторига

³ 7-сон «Номоддий активлар» номли БҲМС.

⁴ Ўз Р. Фуқаролик Кодекси иккинчи қисмига шарҳлар (III-жилд). – Тошкент: Адолат, 1998 й., 57 бет.

киритишга асос бўладиган қуйидаги асосий белгиларни аниқлашга имкон беради: фойдаланиш муддатининг узоклиги; даромад келтиришга қобиллиги; ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар бўйича номоддий активлар қийматини баҳолаш имконияти; бошқа шахсларга бериб юбориш мумкинлиги ва ҳ.к.

Номоддий активларни ҳисобга олиш қоидаларида объектлар қийматини чеклаш кўзда тутилмаган. Аммо ҳисобнинг мақсадга мувофиқ бўлиши кераклиги нуқтаи назаридан ва ҳисоботларнинг ҳақиқийлик тамойилига риоя қилиш қийматнинг қуйи чегарасига киритишни тақозо қилади, бундан юқори қийматга эга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар, бизнинг фикримизча, номоддий активлар деб ҳисобланиши лозим. Моддий активларни ҳисобга олишнинг бундан кўра анча такомиллашган амалиёти мавжуд бўлиб, унда «...қиймати энг кам иш ҳақининг эллик баробаригача бўлган буюмлар, уларнинг хизмат қилиш муддатидан қатъи назар» (бир йилдан кўп бўлса ҳам), жорий активлар таркибига киритилади. Узок муддатли моддий активларга қўйилган барча талабларга жавоб берадиган бундай қоидаи номоддий объектларга нисбатан ҳам қўллаш мақсадга мувофиқдир. Юқоридаги фикримиздан келиб чиқиб, бизнингча, номоддий активлар таркибига қиймати энг кам иш ҳақининг эллик баробаридан ва хизмат даври бир йилдан кўп бўлган патент, лицензия, ноу-хау, савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, дастурий таъминот, эрдан ва табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи, ташкилий харажатлар, франчайз, муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқа номоддий активлар киритилиши лозимдир. Шунинг учун, ушбу қийматдан ва фойдаланиш муддатидан паст бўлган «номоддий актив» (харажат) лар хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисобот даврида амалга оширилган, бироқ келгуси ҳисобот даврларига киритиладиган харажатлари сифатида ҳисобга олиниши ва 21-сон БҲМС га мувофиқ, 3190 «Олдиндан ҳақи тўланган бошқа харажатлар» счётида ҳисобга олиниши ҳамда кейинчалик «номоддий актив» (харажат) нинг амал қилиш муддати мобайнида маҳсулот (иш, хизмат) лар таннархига бир маромда

ҳисобдан чиқариш билан келгуси даврлар харажатлари таркибида акс эттириш таклиф қилинади.

Бухгалтерия ҳисоби ёндашуви нуқтаи назаридан интеллектуал салоҳиятга йўналтирилган инвестициялар деб, бизнингча, корхона ходимларининг малакасини ошириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун қайта тайёрлашга қилинган харажатлар ва пировард натижада, меҳнат унумдорлигини ўсишига имкон берадиган фаолиятини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир. Умумий жиҳатдан, «кадрларни тайёрлаш, маънавий-маърифий ишларни, шунингдек илм-фанни ривожланишига сарфланган маблағлар давлат ва корхоналарнинг интеллектуал инвестициялари ҳисобланади». Тадбиркорларнинг дастгоҳ ва асбоб-ускуналарга сарфлаган харажатлари каби, қандайдир унумдорликнинг ошишига сабаб бўладиган харажатларга ҳам инвестициялар деб қараш мумкин, чунки харажатлар бу ерда ҳам келгусида кўпайиши кутилаётган даромадлар ҳисобидан қопланишини кўзлаган ҳолда амалга оширилади.

Умуман, интеллектуал салоҳиятга йўналтирилган инвестицияларга соғлиқни тиклаш, олий, умумий ва махсус маълумот олишга қилинган сарфлар, ишлаб чиқаришга малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар киритилади.

Интеллектуал салоҳиятга йўналтириладиган барча турдаги инвестициялар ичида энг муҳими корхонанинг таълимга қилган кўйилмасидир. Таълим харажатлари, шу жумладан умумий махсус ва олий таълим ҳамда иш жойидаги қайта тайёрлаш инсоний капиталга қилинган инвестициялар ичида энг муҳими ҳисобланади. Таълим янада юқори малакали ва сермахсул ишчи кучини шакллантиради, уни сифатини оширади, корхона ходимларининг савиясини ва билим захираларини оширади ва натижада инсоний капиталнинг ҳажми ва сифатини оширади. Олий таълимга йўналтирилган инвестициялар иқтисодий ўсиш суръатларига жуда катта таъсир кўрсатадиган меҳнат самарадорлиги юқори бўлган малакали мутахассисларни тайёрлашга имконият яратади.

Ўзбекистонда инсоний капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳисобга олинмайди ва амалда уларнинг тўла қиймати баҳоланмайди. Ҳозирги кунда корхоналарда жами инсоний капитал қийматининг тўла баҳоси номоддий активлар таркибига киритилмайди. Инсоний капиталнинг баҳоланмаслиги ва унинг корхона активларига киритилмаслиги ресурсларни кўп миқдорда йўқолишига олиб келади ва корхона (акциялар) нинг бозор қийматини пасайтириб юборади.

Ўзбекистон Республикаси 7-сон «Номоддий активлар» номли БҲМС да «номоддий активлар таркибига мулк объекти бўлган, моддий-ашёвий мазмунга эга бўлмаган, хўжалик фаолиятида фойдаланиш учун ёки бошқариш мақсадида хўжалик юритувчи субъект назорати остида бўлган ҳамда узоқ вақт (бир йилдан кўп) фойдаланишга мўлжалланган номоддий неъматлар киритилиши кайд қилинган»⁵. Номоддий активларни характерловчи зарурий белги уларнинг фойда келтириш қобилиятидир. “Инсоний капитал” деб аталувчи ушбу ўзига хос номоддий неъмат ушбу расмий белгиларнинг барчасига жавоб беради. У мулк объекти бўлиб, уни шакллантириш катта миқдордаги инвестицияларни талаб қилади, фойдаланиш жараёнида у эскиради (шу жумладан, иқтисодий маънода ҳам) ва нафақат маҳсулот (товар ва хизматлар) ишлаб чиқаради, балки фойда ҳам келтиради.

Инвестициялаш тўғрисидаги қарор қабул қилишда ҳар қандай қўшимча товар сотиб олиш каби харажатлар сметасида кадрларни ўқитиш харажатларини ҳам ҳисобга олиш керак. Корхонани ходимларни ўқитишга, билими, малакасини оширишга сарфлаган харажатларини амалга оширишни бухгалтерия ҳисобида номоддий активлар сифатида акс эттирилмаслиги

⁵ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия қисобининг миллий стандартлари. -Т.: ЎБАМА. 2003 й., 82 бет.

ушбу тушунча моҳиятининг миллий иқтисодиётдаги янги омилларга ва шарт-шароитларга мос келмаслигига оддий мисол бўла олади.

Инсоний капиталнинг номоддий актив сифатида асосий хусусияти унинг узок муддат инвестицияланиши, фойдаланилиш ва сарф қилишдир. Инсоний капиталга сарфланган инвестициялар узок вақт давомида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий самара беради. Шунинг учун, корхонанинг кадрларни билимига йўналтирган инвестициялари шу корхонанинг номоддий активлари таркибига киритилиши ва бухгалтерия ҳисобининг тегишли счетларида акс эттирилишини таклиф қиламиз.

Корхонанинг инсоний капиталга йўналтирган қўйилмаларини (кадрларни тайёрлаш, малака ошириш, спорт фаолиятини ва шу каби бошқа чора-тадбирларни молиялаштириш) узок муддатли инвестицияларни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида, янги 0831 «Интеллектуал инвестициялар» счетини очиб ҳисобга олиш, ундан кейин эса уларни, гудвилл (фирманинг нуфузи) турларидан бири бўлганлиги туфайли, 0481 «Кадрларни тайёрлаш харажатлари» смети таркибига киритиш мақсадга мувофиқдир.

«УзКейсСервис» корхонасида 2011-2013 йилларда кадрларни ўқитиш ва қайта ўқитиш учун 5,6 млн. сўм миқдоридан маблағлар сарфланган. Биз тавсия этган услубга асосланганда ушбу инсоний капиталга йўналтирилган маблағлар қуйидагича ҳисобга олиниши мумкин бўлар эди:

1. Дебет 0831 «Интеллектуал инвестициялар» 5,6 млн. сўм,
Кредит 6000 «Мол этказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» 5,6 млн. сўм;
2. Дебет 6000 «Мол этказиб берувчи ва пудратчиларга тўланадиган счетлар» 5,6 млн. сўм,
Кредит 5100 «Ҳисоб-китоб сметидаги пул маблағлари ҳисоби» 5,6 млн. сўм;
3. Дебет 0481 «Кадрларни тайёрлаш харажатлари» 5,6 млн. сўм,
Кредит 0831 «Интеллектуал инвестициялар» 5,6 млн. сўм.

Кўпчилик ҳолларда тадқиқотчилар корхонада таълим соҳасида амалга ошириладиган ишларни баҳолаш ва таснифлашда катта қийинчиликларга дуч келдилар, бу эса сабабларнинг ноаниқлиги ва мавҳумлик характери билан боғлиқ инвестициялашнинг икки ёқламалиги, солиқлар ва ахборот билан этарлича таъминланмаганлиги туфайли вужудга келади.

Таълим тадбирлари алоҳида ажралган ҳолда намоён бўлмайди, ушбу жараён ҳар куни давом этади ва айниқса кўпчиликни бир жойда ўқитишда катта миқдордаги молиялаштиришни талаб қилади. Ана шундай ҳолатда харажатларни алоҳида ажратиб олиш жуда қийин кечади. Одатда, ташқи тадқиқотчилар таълимга сарфланган бундай харажатларни ҳисобга олмайдилар.

Таълимни ташкил қилиш тадбирлари фақат билимларни оширишга қаратилганлиги туфайли, таълим ўз моҳиятига кўра инвестиция (қўллаб-қувватлаш) эканлигини ва корхонанинг харажатлари сифатида ҳисобга олинишини таъкидлаш лозим. Аммо таълим ходимларнинг малакасини оширишга қаратилганлиги туфайли, гап «тараққиётга» инвестициялаш тўғрисида борар экан, айтиш мумкинки, унга харажат сифатида қаралиши мумкин эмас, балки бухгалтерия ҳисобида актив деб ҳисобланиши лозим, сўнгра уни кўчмас мулкка йўналтирилган ҳар қандай инвестиция каби амортизастиялаш керак бўлади.

Маълумки, ҳозирги пайтда кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари бухгалтерияда 9430 «Бошқа операстион харажатлар» счегида фақат умумий ҳисобга олинади, аммо камдан-кам ҳоллардагина таҳлил қилинади. Улар, яъни бевосита «Маҳсулот (иш, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» низомга асосан, «хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида давр харажатлари сифатида ҳисобга олинади ва 1-иловага мувофиқ солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар таркибига киритилади ҳамда доимий тафовутлар ҳисобланади».

Янги ишга туширилган хўжалик юритувчи субъектларда ишлаш учун кадрлар тайёрлаш харажатлари эса, 9440 «Кейинги даврларнинг солиқ солиш базасидан чегириладиган, ҳисобот давридаги харажатлар» счётида ҳисобга олинади ва юқоридаги низомнинг 2-иловасига мувофиқ, «ушбу даврнинг солиқ солинадиган базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиқ солинадиган базасидан чиқариладиган харажатлар таркибига киритилади ҳамда вақтлар бўйича тафовутлар ҳисобланади»

2.3. Молиявий инвестицияларнинг ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистонда рўй бераётган иқтисодий ислохотлар қимматли қоғозларга бўлган қизиқишни қайта уйғонишига сабаб бўлди. Қимматли қоғозларнинг турли бозори шаклланди ва ривож топди. Миллий иқтисодиётимизда хўжалик юретишни бозор усулларига ўтказиш жараёнида қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва мукамал фаолият олиб боришини таъминлаш муаммоси, қимматли қоғозлар бозори субъектларининг муҳим хусусиятларини ва маълум бир соҳадаги ўзига хос қизиқишларини аниқлаш жуда долзарб масала бўлиб турибди.

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини ривожланиш хусусиятлари шундан иборатки: биринчидан у бозор иқтисодиётига асосланган қонунлар асосида шаклланмоқда; иккинчи томондан эса Ўзбекистонда мавжуд ўзига хосликни ифодалайди.

Қимматли қоғозлар – бу уларни чиқарган шахс билан уларнинг эгаси ўртасидаги мулкый ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқловчи дивиденд ёки фоиз кўринишида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутувчи пул ҳужжатларидир. Бошқача айтганда, қимматли қоғозлар – уни бир шахсдан иккинчи шахсга бериш орқали абстракт мулкчилик ҳуқуқини ифодалайди. Қимматли қоғозларга қуйидагилар киради: акциялар,

облигациялар, ғазна мажбуриятлари, депозит ва жамғарма сертификатлари, ҳосила қимматли қоғозлар, векселлар.

Акция, облигация, ғазна мажбуриятлари ва ҳосила қимматли қоғозларнинг реквизитлари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги қимматли қоғозлар ва фонд биржалари бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланади, депозит сертификатлари ва векселларни реквизитлари эса Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан белгиланади. Қимматли қоғозларнинг мажбурий реквизитларининг йўқлиги ёки қимматли қоғозни белгиланган шаклига тўғри келмаслиги уни бекор қилинишига олиб келади. Қимматли қоғоз ифодаладиган ҳуқуқлар уни тақдим этувчига тегишли бўлиши мумкин (тақдим этилувчи қимматли қоғоз) ёки қимматли қоғозда кўрсатилган шахсга тегишли бўлиши мумкин (егаси кўрсатилган қимматли қоғоз). Тақдим этилувчи қимматли қоғозга эгалик қилиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиш учун қимматли қоғозни ўзини бериш кифоя. Эгаси кўрсатилган қимматли қоғоз бир шахсдан бошқасига ўтиши ҳисоб ёзувларидаги тегишли қайдларни ўзгартириш билан амалга оширилади.

Қимматли қоғозлар қаторига киритилувчи пуллик ҳужжатлар таркибига қуйидагилар киритилади: эгалик ҳуқуқини ёки қарз олиш муносабатларини белгилаб берадиган, ёки уларни чиқарувчи шахс ва эгаси орасидаги муносабатларни белгилайдиган, дивиденд ёки фоиз кўринишида даромад тўловларини амалга оширадиган, ёки пуллик ҳужжатни ўзини бериш йўли билан унда зикр этилган пуллик ёки бошқа ҳуқуқларни бир шахсдан бошқасига ўтиши белгиланган.

Қимматли қоғозлар билан иш олиб борганда учрайдиган асосий атамаларни «Қимматли қоғозлар ва фонд биржалари тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосланиб аниқлаб оламиз.

Акция – амал қилиш вақти белгиланмаган қимматли қоғоз бўлиб, юридик ёки жисмоний шахс томонидан маълум улушни акционер жамиятини низом жамғармасига киритилишини, унинг эгасини мазкур

жамиятга эгаллик қилишда қатнашишини ва дивиденд олиш, шунингдек жамиятни бошқариш ҳуқуқига эга бўлишини тасдиқлайди. Даромад олиш кетма-кетлиги бўйича акциялар оддий ва имтиёзлиларга бўлинади.

Оддий акцияларга корхонанинг бир йиллик фаолияти натижаси бўйича дивиденд тўлаш мўлжалланади. Улар бошқаришга таъсир кўрсатиш ҳуқуқи бўйича фарқланади: овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган ва бир ёки бир нечта овозга эга бўлган акциялар. Имтиёзли акция овоз бериш ҳуқуқига эга эмас, лекин доимо дивидендлар билан таъминланади ва корхона бекор қилинганда биринчи навбатда қопланади. Қимматли қоғозлар бозорида қўлланилиш тури бўйича номли ва тақдим этилувчи акциялар фарқланади.

Облигация – бу унинг эгаси маълум миқдорда пул тўлаганини ва унда белгиланган муддатда номинал қийматини ва аниқ белгиланган фоизини сўндириш бўйича мажбуриятлар кўрсатилган қимматли қоғоз (агарда чиқариш шартларида бошқа нарса кўзда тутилмаган бўлса).

Облигацияларни корхоналарнинг низом жамғармасини шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарни қоплаш учун чиқариш мумкин эмас.

Акционерлик жамиятлар ҳамма чиқарилган акциялари тўлиқ тўланганидан кейингина низом сармоёси ҳажмининг 20 фоизидан ошмаган миқдорда облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга. Бошқа мулкчилик шаклига эга бўлган корхоналарга облигациялар чиқариш суммасининг миқдори Республика фонд бозорини тартибга солувчи орган томонидан белгиланади.

Депозит сертификати – бу пул маблағлари омонатга қўйилганлиги тўғрисида, омонатчига белгиланган муддат тугаганидан кейин депозит суммаси ва унга тегишли фоизларни олиш ҳуқуқини берувчи кредит муассасасининг гувоҳномасидир.

Ўзбекистонда сертификатлар икки турда чиқарилади: депозит сертификатлари (юримдик шахслар учун, 1 йилгача муддатга); депозит (жамғарма) сертификатлари (жисмоний шахслар учун, 3 йилгача муддатга).

Вексел деб шундай қимматли қоғозга айтиладики, унда вексел чиқарувчи ёки векселда кўрсатилган тўловчини белгиланган муддат келганда белгиланган маблағни вексел эгасига сўзсиз тўланиш мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Ҳосила қимматли қоғозлар – бу шартномалар бўлиб, улар бўйича бир томон қимматли қоғозларнинг маълум бир миқдорини маълум муддатда келишилган нархда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи ёхуд мажбуриятини олади. Ҳосила қимматли қоғозлар опцион, фьючерс ва бошқа молиявий инструмент кўринишида бўлиши мумкин.

Опцион – шундай шартномаки, унинг эгасига қимматли қоғозлар ёки товарларни контрактда келишилган нархда келишилган муддатда харид қилиш ҳуқуқини беради.

Фьючерс–келажакда, келишилган аниқ вақтда контрактда белгиланган нархда маълум бир қимматли қоғозлар ёки бошқа молия инструментлари ёки товарларни сўзсиз сотиб олиш ёки сотиш мажбуриятини белгиловчи қимматли қоғоз (контракт).

Қимматли қоғозлар эмиссияси - қимматли қоғозларни уларни биринчи эгалари (инвесторлари), юридик ёки жисмоний шахсларга сотиш орқали муомалага чиқариш.

Эмиссия куйидаги ҳолатларда амалга оширилади: акционерлик жамияти таъсис этилиб унинг акциялари таъсисчилар орасида жойлаштирилганда; акционерлик жамияти акциялар чиқариш йўли билан бошланғич низом капитали (жамғармаси) миқдори оширилганда; облигация ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш орқали юридик шахслар, давлат, давлат ҳокимияти ва бошқариш органлари томонидан қарз капитали жалб қилинганда; ўзаро республика миқёсида корхоналарнинг қарз мажбуриятларини тўлаш (сўндириш) жараёни амалга оширилганда.

Ҳар бир юқорида санаб ўтилган ҳолда ваколатли давлат органи эмиссиянинг минимал ва максимал ўлчамини белгилайди.

Қимматли қоғозларнинг бухгалтерия ҳисоби хусусиятлари 12-сонли «Молиявий инвестицияларни ҳисоби» номли Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартида ёритилган.

Ушбу стандартга асосан амалиётда қимматли қоғозлар бир неча кўринишдаги қийматга эга бўлиши мумкин: бозор қиймати (курс бўйича); номинал қиймат; эмиссия қиймати; баланс қиймати (ҳақиқий таннарх); бекор қилиш қиймати; гаров қиймати; истемол қиймати.

Бозор (курс бўйича) қиймати - қимматли қоғознинг пул ифодасидаги ёки тегишли эквивалентлардаги (фоизда номиналга нисбатан) қиймати. Бу қиймат бўйича қимматли қоғоз маълум бир белгиланган вақт оралиғида очик бозорда сотиб олувчи тўлашга рози бўлган, сотувчи эса шу нархга сотишга рози бўлган нархни билдиради, бунда сотиб олувчи ҳам, сотувчи ҳам мазкур битимнинг аҳамиятли томонлари бўйича этарли маълумотга эга бўладилар.

Номинал қиймат - қимматли қоғоз бланкида кўрсатилган қиймат ва қимматли қоғозларнинг бозордаги айланувига аҳамиятли ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди. Бу қиймат фақат маълумот сифатида капитал улуши ёки қарзни миқдорини кўрсатади.

Эмиссия қиймат – бу қиймат бўйича қимматли қоғоз бирламчи бозорда сотилади. Номинал ва эмиссион қийматлар орасидаги фарқ қимматли қоғозларни тарқатувчи дилер фирмаларининг хизматлари билан боғлиқ. Дилерлар қимматли қоғозларни эмитентдан номинал қиймати бўйича сотиб оладилар ва инвесторлар орасида эмиссион қиймат бўйича сотадилар.

Баланс қиймати - бу қимматли қоғозни харид қилишда сарф қилинган ҳақиқий харажатлар қиймати. Бу қиймат молиявий ҳисобот ҳужжатлари асосида аниқланади.

Бекор қилиш (ликвидастия) қиймати – битта қимматли қоғозга тўғри келадиган реал (мавжуд) мулкни ҳақиқий сотув нархидаги қисмининг қиймати.

Гаров қиймати - бу қимматли қоғозларнинг қарз ва кредитлар олинганда гаров сифатида ҳисобга олинган қиймати. Гаров қиймати деб,

асосан қимматли қоғоз гаровга берилиши мумкин бўлган кредитнинг максимал суммасига айтилади.

Истеъмол қиймати – бу курс қийматининг ортиши натижасида келтирилган фойда.

Қимматли қоғоз (акция ва облигация) ларга қилинган инвестицияларни ҳисоб усуллари кўриб чиқамиз. Қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни бухгалтерия ҳисобини бир нечта ўзаро боғлиқ бўлган йўналишларга бўлиб чиқиш мумкин:

- харид қилиш қийматини шакллантириш;
- жалб қилинган молиявий инвестицияларни баҳолаш услубини аниқлаш;
- ҳисоб қийматини шакллантириш;
- қайта баҳолаш масалалари;
- балансдан чиқариш услуби ва улар билан бўлган муомалаларнинг молиявий натижаларини шакллантириш.

Қимматли қоғозларни харид қилиш қийматини шакллантириш катта аҳамиятга эга бўлади, чунки харид қилиш қиймати киритиладиган харажатлар таркибига нисбатан уларнинг ҳисоб қиймати ва ниҳоят молиявий натижа ҳам аниқланади. Бундай харажатлар фақат қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ муомалалар бўйича харажатларни ўз ичига олиши керак. Бу харажатларнинг асосий қисми сотувчига тўланадиган қимматли қоғознинг қиймати ҳисобланади. Буларга мазкур муомалани амалга ошириш учун зарур бўлган, яъни қимматли қоғозларни харид қилиш билан боғлиқ бўлган муомалаларни амалга ошириш бўйича харажатларни киритиш керак.

Инвестор қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларни бухгалтерия ҳисобини 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетларининг режаси» бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига асосан ифодалайди ва қимматли қоғозларни қийматини авваламбор сотиб олиш қийматида ва сотиш давригача уларни

нархини номинал нархгача этказади. Шунингдек, счетлардаги қимматли қоғозлар қийматини ўзгариш мезонларини аниқлаб олиш зарур бўлади.

Ушбу стандартлардан келиб чиққан масала қимматли қоғозларни камида иккита баҳода ҳисобда акс эттириш заруриятидан иборат: акциялар учун – бу харид қилишнинг ҳақиқий қиймати ва жорий бозор баҳоси. Акциялар учун ҳақиқий харид баҳоси номинал баҳога нисбатан муҳимроқ кўрсаткич ҳисобланади, чунки акция одатда муддаиз қимматли қоғоз бўлади ва унинг номинал қиймати–бу фақат олдиндан авансланган капитал миқдоридир. Таъкидлаш жоизки, акцияларнинг бозор қиймати уларнинг эмиссиясидан кейинги эмитентнинг низом капитали билан жуда ҳам боғлиқ эмас.

Облигациялар учун эса бу – номинал қиймат ва жорий бозор баҳоси. Облигацияларни муомалада бўлиши уларнинг номинал қиймати билан боғлиқ. Негаки, уларнинг қопланиш муддати яқинлашгани сари (бошқа шарт-шароитлар ўзгармаган ҳолда, масалан, эмитентнинг барқарорлиги ва ҳоказо) унинг бозор қиймати номиналга яқинлашиб боради. Акция ва облигациялар учун икки баҳо бўлишининг муҳимлиги таҳлил қилиш ва бошқариш масалалари билан боғлиқ – улар орасидаги фарқ маълум вақт мобайнида амалга оширилмаган даромад миқдорининг моҳиятидан иборат. Шундай қилиб, тадқиқот натижасида қимматли қоғозлар қийматини уч хил баҳода ифодалаш асосланган: ҳақиқий, номинал ва бозор қийматларида.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда 12-сонли «Молиявий инвестицияларни ҳисоби» ва 21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетларининг режаси» бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари орасида қимматли қоғозларни ҳисобга олиш қиймати масаласида жуда катта фарқлар мавжуд экан.

Акциялар муомаласини мантиқий яқини бу уларни сотилиши ёки қопланишидир (сўндирилиши). Бу эрда қимматли қоғознинг эгаси яна бир бор уларни сотиш билан боғлиқ харажатларни аниқлаш муаммосига дуч келади. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозори уларни доимий

муомаласини назарда тутади. Демак, инвестор бир эмитентни бир хил қоғозларини ҳар хил вақт оралиғида харид қилиши мумкин, бу ўз навбатида бир хил қоғозни ҳар хил бозор қийматига эга бўлишига олиб келади, шунингдек унинг ҳақиқий қийматига таъсир этувчи харажатлар турлича бўлади. Демак, қимматли қоғозларни сотишда балансдан қайси қийматни чиқариш керак, деган савол туғилади?

12-сон «Молиявий инвестицияларни ҳисоби» номли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартининг 9-бандига мувофиқ қимматли қоғозларни ҳар бирини харид қиймати бўйича баҳолаш усули қўлланилади ва уларни харид қилиш мобайнида юзага келган ҳақиқий таннархни номинал баҳога келтириб ҳисобдан чиқариш тушунилади.

Мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарда қимматли қоғозларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича муомалалар ягона (умумий) тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим. Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг ҳисоби қимматли қоғозларнинг қопланиш муддати, уларнинг тури (иқтисодий мазмуни), ҳисоб-китоб шакллари, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун манба ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

21-сон БҲМС ига мувофиқ, 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар” сметида мамлакатимизда ва ундан ташқарида барпо этилган корхоналарнинг қимматли қоғозларига, шўъба, қарам бўлган жамиятларнинг ҳамда чет эл сармояли корхоналарнинг низом капитали (жамғармаси) га узоқ муддатли қўйилма (инвестиция) ларни мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумот қуйидаги счетларидан келиб чиқиб умумлаштирилади:

0610 “Қимматли қоғозлар”;

0620 “Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар”;

0630 «Қарам бўлган хўжалик жамиятларга инвестициялар»;

0640 “Чет эл сармояли корхоналарга инвестициялар”;

0690 “Бошқа узоқ муддатли инвестициялар”.

Активларни инвестициялар қаторига қўшиш тартиби ва уларнинг турлари 12-сон “Молиявий инвестициялар ҳисоби”, 8-сон “Консолидастиялаштирилган (умумлаштирилган) молиявий ҳисоботлар ва авлод хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби” Ўзбекистон Республикаси БҲМС лари орқали тартибга солинади.

Дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»,

Кредит 0610 «Қимматли қоғозлар».

Агарда, корхона томонидан харид қилинган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда ҳар сафар уларга даромад ҳисобланганда харид қилиш ва номинал қийматлар орасидаги фарқнинг бир қисми қайта ҳисобланади (тўлдирилади) ва қуйидагича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилади:

Дебет 0610 «Қимматли қоғозлар»,

Кредит 9590 «Молиявий фаолият бўйича бошқа даромадлар».

Қимматли қоғозларга даромад ҳисобланганда (олинадиган даромад миқдорида) бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

1. Облигациялар учун олинадиган фоизлар:

Дебет 4830 “Олинадиган фоизлар”,

Кредит 9530 “Фоиз кўринишидаги даромад”.

2. Акциялар учун олинадиган дивидендлар:

Дебет 4840 “Олинадиган дивидендлар”,

Кредит 9520 “Дивиденд кўринишидаги даромад”.

Қимматли қоғозларга дивиденд ҳисобланганда халқаро молиявий ҳисоботлар стандартларига мувофиқ иккита усулдан фойдаланиш мумкин:

1. Қиймат усули. Ушбу усул қўлланганда, инвестор ўз маблағини бошқа корхонага дастлабки қиймати бўйича қўяди. Унинг асосий тамойиллари шундан иборатки, инвестициялар қиймати шўъба тузилмаларнинг молиявий аҳволидан қатъи назар ўзгармайди, улардан олинадиган дивидендлар бош жамият даромади сифатида ҳисобга олинади.

Бу усулни қуйидаги ҳолатларда қўллаш тавсия этилади:

- шўъба жамиятини кейинчалик яқин келажакда сотиш учун олинган ва уни назорат қилиш ҳам вақтинчалик бўлганда;

- шўъба жамияти унинг бош жамиятига маблағ ўтказиш қобилятини жиддий даражада камайтирадиган белгиланган узоқ муддатли муҳим шароитлар доирасида фаолият юритганда. Масалан, шўъба жамиятига қарз берган ташкилот томонидан қўйиладиган дивидендларни тўлашда чеклашлар мавжуд бўлиши мумкин.

2. Улушбай иштирок усули. Бу усулни бош жамият томонидан шўъба жамиятга сезиларли даражада таъсир ўтказиш ва назорат қилиш ҳолларида қўллаш тавсия қилинади, у қуйидагилардан иборат:

- инвестицияларнинг жорий қиймати шўъба жамиятнинг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқликда ўзгаради: у фойда олганда инвестициялар қиймати ошади, зарар эса камаяди;

Корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига, давлат ва маҳаллий заёмлари (қарзлар) га ва ҳ.к. қилинган қисқа муддатли (1 йилдан кўп бўлмаган муддатга) инвестицияларининг ҳамда корхона томонидан бошқа корхоналарга берилган қарзларнинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотни умумлаштириш учун 5800 "Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар" сечетининг қуйидаги сечетларидан фойдаланилади:

5810 "Қимматли қоғозлар";

5820 "Қисқа муддатга берилган қарзлар";

5890 "Бошқа жорий инвестициялар".

Бу ҳолда фоизли облигациялар ва шунга ўхшаш қимматли қоғозларга инвестициялар ҳамда бошқа корхоналарга берилган қарзлар қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш сечетларида қайд этилади, агарда уларни белгиланган қопланиш муддати бир йилдан ошмаса.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга оладиган сечетлар бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестициялар ва бу қўйилмалар

жойлаштирилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи корхоналар, жамғармалар ва ҳ.к.) бўйича олиб борилади. Бу ҳолда аналитик ҳисобни амалга ошириш мамлакат ҳудуди ва ундан ташқаридаги объектларга қилинган қисқа муддатли молиявий қўйилмалар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак.

Қисқа муддатли инвестициялар харид қилингандан кейин икки усулдан бирида: бозор ёки харид қийматлари ва бозор қийматидан кам нарх бўйича ҳисобга олинади. Танланган усул корхона ҳисоб сиёсати билан аниқланади.

Қисқа муддатли инвестициялар бозор қийматининг ўзгаришидан даромад ёки зарар, улар юзага келган ҳисобот даврида тан олинади ва қуйидагича акс эттирилади:

-даромад:

Дебет 5800 «Қисқа муддатли молиявий инвестициялар»;

Кредит 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»;

-зарар:

Дебет 9690 «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»;

Кредит 5800 «Қисқа муддатли молиявий инвестициялар».

12-сон «Молиявий инвестициялар» номли БҲМС нинг 22 – бандида қисқа муддатли инвестицияларни қайта баҳолашдан даромадларни ҳисобга олишнинг бошқа муқобил усули таклиф этилган: инвестицияларни қўшимча баҳолаш суммаси ўз сармояси ҳисобига киритилади:

Дебет 5800 «Қисқа муддатли молиявий инвестициялар»;

Кредит 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар».

Бироқ, бунда қуйидагини ёдда тутиш лозим: бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган қимматли қоғозларни сотишда резерв сармоя счетларда акс эттирилган барча қўшимча баҳолаш суммаси жорий давр даромади сифатида ёхуд тақсимланган фойданинг оширилиши сифатида акс эттирилиши лозим:

Дебет 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»;

Кредит 9560 «Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар»;

Кредит 8720 «Жамғарилган фойда».

21-сонли «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счетларининг режаси» БҲМС га мувофиқ 8510 “Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” сче­тида қайта баҳолаш натижалари бўйича аниқланадиган қимматли қоғозлар қийматини ўсиши ҳисобга олиниши лозим. Активларни қайта баҳолаш натижасида ташкил қилинадиган захира капиталини яратиш ва тўлдириб бориш 8510 “Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” сче­тининг кредити бўйича қайта баҳолаш натижасида қийматнинг ўсиши аниқланган активларнинг сче­тлари билан корреспонденцияланиб акс эттирилиши лозим. Бироқ, юқорида таъкидланганидек узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг баланс қиймати уларнинг сотилиш вақти келгунча номинал қийматга тенг бўлиши лозим. Демак, узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг қийматини номинал баҳосига келтириш учун уларнинг баланс қиймати кўпайиши (камайиши) 9560 “Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромад”, 9690 “Молиявий фаолият бўйича бошқа сарфлар” сче­тлари билан корреспонденцияланади.

Қайта сотиш учун харид қилинган қимматли қоғозларни сотишдан тушган тушум 9220 “Бошқа активларни ҳисобдан чиқаришлар” сче­тининг дебети узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш сче­тларининг кредити билан корреспонденцияланади.

Юқорида ифодаланган 21-сонли БҲМС даги 0610 «Қимматли қоғозлар» ва 8510 «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» сче­тлари ҳамда 12-сонли «Молиявий инвестицияларни ҳисоби» БҲМС орасидаги мутаносибликларни бартараф этиш учун ушбу меъёрий ҳужжатларга бизнинг фикримизча қуйидаги ўзгартириш киритилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди:

Ушбу БҲМС га ўзгартиришларни киритишдан сабаб, 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» БҲМС тўла халқаро молиявий ҳисоботлар стандартига мос келиши ва бу стандартга ўзгартиришлар керак эмаслигидан келиб чиқади.

3. ҚЎШМА КОРХОНАЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1 Инвестицияни баҳолаш усуллари

Қоплаш муддатини, риск даражасини, кутилаётган инфляция суръатларини ва соликка тортиш истикболларини ҳисобга олган ҳолда инвестицияларни самарадорлигини аниқлаш, яъни маблағлар сарфини бундан яхшироқ ёки фойдалироқ юлини топиш. Инвестицион фаолиятга тегишли қарорларни қабул қилишда амалиётда синовдан ўтган қуйидаги муҳим қоидаларга риоя қилинади: ушбу банкда сақлагандан кўра қупроқ фойда (солиқлар чегирилган ҳолда) олиш имкони бўлса, маблағларни ишлаб чиқаришга, қимматбаҳо қозғаларга ва бошқаларга инвестициялаштириш ўз маъносига эга бўлади.

Инвестицияларнинг рентабеллик даражаси инфляция суръатларидан юқори бўлган тақдирдагина маблағларни инвестициялаштириш ўз мазмунига эгадир.

Биринчи қоиданинг мазмуни шундан иборатки муайян маблағга эгалик қилиувчилар ўз пулларни банкда сақлагани учун 10% ли ставка бўйича фойда олади, агар ушбу ишлаб чиқаришга ёки шу қаби юналишларни бирон бир турига сарфласа 20% ли қайтим билан фойда олади. Демак, маблағ сарфини иккинчи юналиши самарали ҳисобланади.

Инвестицион қарорлар баҳоланаётган пайтда инфляция ҳам ҳисобга олиниши керак. Мисол учун, маблағ эгаси хужалик қўрилишига 50000 сум сарф қилмоқчи.

Агар мулжалланаётган инфляциянинг йиллик суръати 8% ни ташкил эса, у ҳолда йиллик фойда 40000 сумдан юқорироқ суммани ташкил этган тақдирдагина сарфланган инвестиция мақсадга мувофиқ бўлади. $(8\% * 500:100 \approx 40)$

Инвестицион жарағн юкорида таъкидланганидаек, ҳар доим риск билан чамбарчас боғланган. Чунки, вақт ноаникликни кучайтиради ва харажатларни коплашнинг муддатлари канчалик узок булса, инвестицион лойиха шунчалик рисклирок булади. Шунинг учун ҳам инвестицион қарорлар қабул қилинаётган пайтда молиявий менежер харажатлар, тушум, фойда ва у ёки бу инвестицион лойиханинг роеализация қилинишидан эришилиши лозим булган иқтисодий рентабеллик баҳоланаётган пайтда, албатта вақтий узғаришларни инобатга олмоғи лозим. Ана шу нарса дисконтлаштириш дейилади ва, одатда, бир неча муқобил вариантларда амалга оширилади.

Дисконтлаштириш келажакда олиниши мумкин булган сумманинг ҳозирги пулли эквивалентини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун келажакда олиниши мумкин булган(кутилаётган) суммада мураккаб фоиз буйича маълум муддатда жамланган даромадни айириш керак.

Фикримишни куйидаги мисол билан ифодалаймиз:

Агар тадбиркор йиллик 10% даромад олишни мулжаллаб, бугун 200 минг сумми инвестициялаган булса, 1 йилдан сунг

$$200000 * (100\% + 10\%) = 220000$$

$$200000 * (1.0 + 0.1) = 220000$$

сумма эга булади. Икки йилдан кейин эса, маблағимиз

$$220000 * (1.0 + 0.1) = 242000$$

сумма тенг, ва хоказо.

Навбатдаги даврларда янада купрок даромад олиш учун сармоя билан биргаликда унинг даромадини ҳам реинвестициялаштириш жарағни фоизларини жамлаш(қўйиш) дейилади.

Келгуси пул суммаси ва фоиз ставкаси(бизнинг мисолимизда 10%) белгиланилган ҳолда юкоридаги формуладан фойдаланиб, уша пул суммасининг ҳозирги қийматини аниқлаш мумкин.

Дисконтлаштириш инвестицияларнинг келгуси қийматини баҳолашда, қимматбаҳо коғозларни қийматини аниқлашда, банк, сугурта, валюта

амалиғтида ва бошка холларда кенг кулланиши лозим. Мисол учун, тадбиркорга 3 йилдан сунг 100000 сум зарур булсин. Шу максатта, тадбиркор 3 йилдан кейин узиладиган(кайтариладиган) ва умумий киймати 100000 сумдан иборат булган облигацияларни сотиб олиш истагини билдирди. Шу облигациялар буйича йиллик даромад даражаси 9% ни ташкил эцин.

Мазкур айтиб утилган 3 асосий коидани билган холда энди инвестицион лойихани танлаш буйича аник бир мисол билан танишиб чикайлик. Бу мисолнинг кизикарли ва диқкатга сазовор эканлигини шундаки, таклиф этилағтган ҳар иккала мукобил вариант биринчи икки коида нуктаи назаридан фойдасиздир. Лекин шундай булишига карамасдан молиявий менежер томонидан рад этилмағтир. Шундай килиб, тадбиркор «З» юналишидаги маҳсулот турини ишлаб чикариш учун корхона маблагларини инвестиция килмокчи. Лекин, унинг олдида 2 лойиха мавжуд. (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотларга уз муносабатимизни куйидаги кетма-кетликлар тартибида билдиришга ҳаракат киламиз:

1. Инвестицияларнинг ўртача йиллик рентабеллик даражасини банк кредитининг ўртача фоиз ставкаси билан таккослаймиз;

Ҳар иккала лойихаларга нисбатан маблагларни банкда саклаш фойдалироқдир. Лекин «Б» лойиха буйича кулдан чикарилган афзалликлар нисбатан камроқдир. Шу нуктаи назардан олиб каралганда «Б» лойиха(фойдалилик нуктаи назаридан) ҳозирча ютукли ҳолатдир.

2. Лойихаларни инфлясион зарарлардан (йўқотмалардан) сугурталанганлик(химояланганлик) нуктаи назаридан таккослаймиз;

Ҳар иккала лойихаларнинг ўртача йиллик рентабеллик даражаси инвестициянинг усиш суръатларидан юкорироқдир. Лекин «Б» лойиха буйича бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарк (7.6%-4.0%қ3.6%) «А» лойиха буйича худди шу кўрсаткичлар ўртасидаги фаркдан (5.0%-4.0%қ1.0%) каттароқдир. Бу нарса, уз навтбатида, масалани(танлашни) «Б» лойиха фойдасига ҳал этилишини тақозо этади.

3.1.1-жадвал. Таклиф этилаётган лойиҳаларга тегишли бўлган маълумотлар.

Кўрсаткичлар	«А» лойиҳа	«Б» лойиҳа
1	2	3
1.Инвестициялар, минг сум;	600	650
2.Тушум, минг сум		
1-йилда	270	400
2-йилда	200	350
3-йилда	120	100
4-йилда	90	50
5-йилда	70	0
жами 5йилда	750	900
3. Фойда, минг сум	150	250
4.Ўртача йиллик фойда, минг сум	30	50
5. Инвестицияларнинг 5 йиллик рентабеллиги,%	25	38
6. Инвестицияларнинг ўртача йиллик рентабеллиги,%	5	7.6
7. Инфляциянинг режалаштирилаётган(кузда тутилаётган) ўртача йиллик суръатлари,%	4	4
8. Банк кредити фоизининг ўртача йиллик ставкаси	10	10

3. Инвестицияларнинг копланиш муддатларини (даврларини) таккослаймиз;

Шубҳасиз, «Б» лойиҳа буйича инвестициялар тезроқ копланеди. Лекин шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, лойиҳаларнинг копланиш муддатлари жихатдан таккослаш куйилмалар самарадорлиги атрофлича таҳлил килиниши лозим булганда эмас, балки очикдан-очик ёки аник керак булмаган, булмаётган лойиҳаларни тезроқ йыққа чиқариш талаб килингандагина мақсадга мувофикдир.

Шу сабабли, таккослашларимизни давом эттирамиз.

4. Талаб килинафтган инвестицияларнинг хажми ёки микдорларини такколаймиз;

«Б» лойиха «А» лойихага нисбатан 50 минг сум кимматдир. Уз навбатида, бу нарса молиялаштиришда маълум кийинчиликларни тугдириши мумкин.

5. Лойихаларни тушумларнинг барқарорлиги нуктаи назаридан таккослаймиз.

«А» лойиха маблаглар оқимининг 5 йил давомида давом этишини, «Б» лойиха эса - фақат 4 йил давом этишини таъминлайди.. Шу ўринда биз учун нима муҳимроқ: 5 йил давомида у ёки бу даражадаги барқарор пул маблағларининг оқиб келишими ёки биринчи 2-3 йил давомида пул маблағлари асосий қисмининг йиғилишими? Узимиз учун бу саволга жавоб берамиз ва қиёслашни давом эттираемиз.

6. Бутун 5 йил давомидв инвестицияларнинг рентабеллигини таккослаймиз;

7. Дисконтлаштиришни ҳисобга олган ҳолда бутун 5 йил учун инвестицияларнинг рентабеллигини қиёслаймиз;

Бунинг асоси сифатида йиллик банк кредити фоиз ставкасининг даражасини 10% деб оламиз(2 -жадвалга қаранг)

Юқорида келтирилган маълумотларга ва ҳулосаоарга асосланган ҳолда инвестицион қарорлар қабул қилишнинг асосий ва бир-бири билан узвий равишда боғлиқ булган қуйидаги мезонларни кўрсатишимиз мумкин:

1. Янада фойдалироқ алтернатив вариантнинг йық эканлиги;

3.1.2-жадвал. Вақт омилини ҳисобга олган ҳолда лойихалар иктисодий рентабеллигини аниқлаш.

		«А» лойиха	«Б» лойиха	
	Дисконтлаштирилгунча	Дисконтлаштирилгандан сунг	Дисконтлаштирилгунча	Дисконтлаштирилгандан сунг
1	2	3	4	5

1.Инвестициялар, минг сум	600	600	650	650
3.Тушум,минг сум				
1-йил	270	270:(1+0.1)қ245.5	400	400:(1+0.1)қ363.6
2-йил	200	200:(1+0.1)қ165.3	350	350:(1+0.1)қ289.3
3-йил	120	120:(1+0.1)қ90.2	100	100:(1қ0.1)қ75.2
4-йил	90	90:(1+0.1)қ61.5	500	50:(1+0.1)қ34.20
5-йил	70	70:(1+0.1)қ43.8		
Жами тушум, минг сум	750	606.3	900	762.3
3. Фойда, минг сум	150	606.3-600.0қ6.3	250	762.3-650.0қ112.3
4.Дисконтлаштирилгандан сунг лойиханинг иктисодий рентабеллиги 6.3*100%:600қ1.05%			112.3*100%:650қ17.3	

2. Инфляциядан кузда тутилиши мумкин булган зарарлар(йықотмалар) рискинни минималлаштириш;

3. Ҳаражатлар копланиш муддатининг кискалилиги;

4. Лойиханинг арзонлиги;

5. Тушумнинг баркарорлигини таъминлаш;

6. Юкори даражадаги рентабеллик;

7. Дисконтлаштирилгандан сунг рентабелликнинг юкори даражалиги;

Ана шу мезонлар тупламидан фойдаланиб ва уларни бир-бирлари билан бир неча вариантларда комбинастиялаштириб молиявий менежер у ёки бу лойиханинг фойдасига уз танловини эълон килиши мумкин. Шундай булишига карамасдан, у томонидан кайси вариантни танланиши куп жихатдан корхона учун шу кунда энг асосий булган мезонни субъектив равишдла танлаш билан богликдир. Агар молиявий менежернинг фикрича, корхонанинг стратегиясига камтарона, лекин узок муддат давомида баркаоро тушумга эга булиш тўғри келса, у ҳолда «А» лойихани танлайди. Аксинча, корхона учун асосий мезон лойиханинг фойдалилиги булса, молиявий менежер, албатта, «Б» лойихани танлаши турган гап.

Шундай килиб, юкридаги мулохазалардан кўриниб турибдики, инвестицион портфелни шакллантиришда факат энг юкори фойдали ва энг паст рискли лойихаларнигина танлашга эътибор бериб колмасдан, балки корхонанинг стратегик линиясига энг яхши мос келувчи лойихага хам алоҳида эътибор берилмоги керак.

Қимматбаҳо қоозлар портфелини бошқариш унинг эгаси томонидан амалга оширилганда корхонада бу иш билан шуулланадиган махсус фонд (ёки инвестиция) бўлими (бошқармаси) ёки қимматбаҳо қоозларни бошқариш бўлими (бошқармаси) ташкил этилади.

Қимматбаҳо қоозлар портфелининг эгаси мазкур жараёни бошқаришни ўзи хохламаса, бу ишни фонд бозорида махсус ташкил этилган ихтисослашган ташкилотларга шартнома билан топшириши мумкин.

Корхоналар сотиб олган қимматбаҳо қоозларни ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишда қуйидаги жиҳатларни хам кўриб ўтадилар. Қимматбаҳо қоозлар узоқ ва қисқа муддатга қўйилганлиги, режа бўйича ёки режада белгиланмаганлиги, режа бўйича қайтими хамда ҳақиқатдаги қайтими, бозор баҳосини ўсиши ёки камайиши, улардан фойдаланишнинг муқобил йўналишлари уларнинг ҳар бирининг алоҳида тури бўйича солиштириб чиқилади.

Бу билан молиявий қўйилмалардан қай даражада фойдаланиш ҳолатини йиллар бўйича хам ўрганиш мумкин. У ҳолда қимматбаҳо қоозларнинг ҳар бир йилдаги қиймати (нархи ошиши ёки пасайиши кўрсатилган ҳолда) келтирилган фоизлари хамда уларнинг фарқлари ўрганиб чиқилиб муқобил вариантлар билан таққосланади.

Фикримизча, узоқ муддатли молиявий қўйилмаларга маблаларни бўш турган пул маблалари ёки этарли имкониятда фойдаланилмаётган асосий ва оборот фондларини қўйилса, корхона учун самаралироқ бўлар эди.

ХУЛОСА.

Ҳозирги шароитда бошқарув жараёнини оқилона ташкил этиш корхонанинг ишлаб чиқариш бўлимлари ҳамда бир вақтнинг ўзида бошқарув бўлимлари ва хизматлари томонидан ялпи таъсир кўрсатишга йўналтирилган, бу эса муайян бошқарув объектига нисбатан тўлиқ ахборот моделини яратишни талаб этади. Шунинг учун ҳисоб тизими ҳал қилувчи ўрин тутаётган бир шароитда барча бошқарув вазифаларининг, яъни: тахминлаш, режалаштириш ва ташкил этиш, ҳисоб ва таҳлил, таҳлил ва тартибга солиш каби вазифаларнинг биргаликдаги ҳаракати сифатида турли ахборот тизимларининг ўзаро мос келишини ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш зарур. Бу вазифани ҳал этиш интеграцияланган бошқарувга ўтиш имконини беради. Интеграцияланган бошқарув деганда умумий мақсадга самарали равишда эришишга қаратилган, ҳудуд ва вақт доирасида келишилган ҳаракатларни бажаришни таъминлаш ҳақида қарор қабул қилиш тушунилади. Ахборот оқимларини бирлаштириш асосида зарур ахборот таъминотини вужудга келтириш ва унинг негизида маълумотларга ишлов беришнинг интеграцияланган тизимини яратиш юқоридаги муаммони ҳал этишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу тадқиқотимизда биз мазкур масалани ҳал этиш учун ўз олдимизга бухгалтерия ҳисоби ва таҳлил вазифаларини амалга ошириш йўли билан инвестиция жараёнини ахборот билан таъминлаш масаласини мақсад қилиб қўйдик.

Хўжалик субъектлари билан унинг ташқи ва ички молиялаш манбалари ўртасида инвестиция ресурсларининг энг самарали ҳаракатини таъминлаш борасида қарор қабул қилиш инвестицияларни бошқаришдаги асосий вазифа ҳисобланади. Шунинг учун моддий, номоддий ва молиявий маблағларида ифодаланган инвестиция ресурслари оқимини бошқариш инвестиция фаолиятини бошқаришдаги асосий масала ҳисобланади.

Инвестиция фаолиятини бошқариш жараёнида субъектни учта изчил босқичга ажратиш мумкин: зарур ахборотни йиғиш, тўплаш ва ҳисобда тўғри акс эттириш; уни таҳлил қилиш; бошқарувга оид инвестицион қарорлар қабул қилиш.

Бизнинг фикримизч бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилсиз амалда тўғри ҳамда илмий асосланган инвестицион қарорларни қабул қилиш мумкин эмас, чунки:

1) инвестицион фаолиятни бошлашдан олдин инвестицияларни қопланиши ва уни самарадорлигини ҳисоблаб чиқиш зарур;

2) инвестицияларни ҳаётга тадбиқ этиш мобайнида бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш ҳамда режада белгиланганидан ҳақиқийни фарқини аниқлаш зарур;

3) инвестициялар амалга оширилгандан сўнг бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида таҳлил текшируви ўтказилади, шу асосда инвестиция фаолияти бўйича бошқарув қарори қабул қилинади.

Асосий воситалар бухгалтерия ҳисобида дастлабки қиймати бўйича баҳоланади, уларни дастлабки қийматининг таркибий қисмлари 5-сон “Асосий воситалар” номли БҲМС да белгилаб берилган. Унга кўра “асосий воситаларнинг бошланғич (дастлабки) қиймати деб асосий воситаларни барпо этиш (қуриш ва қурилишни охирига этказиш) ёки сотиб олиш бўйича амалда қилинган харажатлар қийматига айтилади, бу қийматга тўланган ва ўрни қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек ускуналарни этказиб бериш, монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш харажатлари ва активдан кўзда тутилган мақсадда фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатлар ҳам киради”.

Бозор муносабатлари ривожланиб борган сари, моддий активлар ташкилотга даромад келишини таъминловчи ягона омил эмаслиги ва уларнинг ашёвий негиз каби классик белгига эга бўлмаган лекин корхонанинг фойда олиш жараёнида ғоятда муҳим рол ўйнаши мумкин бўлган бошқа турлари мавжудлиги тобора яққол сезилиб бормоқда.

Номоддий активлар, бизнинг фикримизча, бугунги кунда миллий бухгалтерия ҳисоби услубиётининг энг мураккаб муаммоларидан биридир. Бухгалтерларнинг ушбу объектлар билан боғлиқ кундалик амалиёти, асосан қуйидаги ҳолатлар туфайли қийинлашади:

-бухгалтерия ҳисоби услубиётида айрим масалаларнинг ишлаб чиқилмаганлиги, бунга кўп жихатдан муомалаларнинг ҳуқуқий шакли ва иқтисодий мазмуни ўртасида ҳамжиҳатлик констепстиясининг йўқлиги сабаб бўлади;

-турли меъёрий ҳужжатлар ўртасида қонун чиқариш технологиясининг ўзидаги нуқсонлар туфайли вужудга келган зиддиятлар ва номуносивбликлар.

Хусусан, қуйидаги тавсифларга жавоб берадиган ҳар қандай интеллектуал мулк объектлари бухгалтерия ҳисоби мақсадлари учун номоддий активлар деб эътироф этилиши мумкин:

-моддий-ашёвий шаклга эга бўлмаган ёки моддий-ашёвий шакли фойдаланиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлмаган ёхуд моддий-ашёвий шакли меъёрий-ҳуқуқий чеклашлар сабабли эътиборга олинмайдиган объектлар;

-маҳсулот ишлаб чиқаришда, иш бажариш ёки хизмат кўрсатиш чоғида фойдаланишга ёки ташкилотни бошқариш учун мўлжалланган объектлар;

-узоқ вақт давомида, яъни камида бир йилдан ошадиган вақт давомида фойдаланиш ниятида сотиб олинган объектлар;

-бир маромли шароитда қайтадан сотиш нияти бўлмаган объектлар”.

Жамиятнинг улкан ижодий салоҳиятга эга бўлган энг қимматли ресурси инсонлар, уларнинг маънавий-ахлоқий, маърифий ва малакавий имкониятларидир. Бозор иқтисодиётига ижтимоий йўналтирилган постиндустриал жамият шароитларида ушбу салоҳият «инсоний капитал» ёки «интеллектуал инвестициялар» шаклида амалга оширилади.

Инсоний капиталнинг замонавий назариясини вужудга келиши ХХ асрнинг олтмишинчи йилларига тўғри келади, шу даврда америка иқтисодий нашрларида шу мавзуга бағишланган бир қатор мақолалар чоп этилган.

Ушбу назариянинг асосий ғоялари Г. Беккер, У. Боуен, Э. Денисон ва шу каби бошқа иқтисодчилар томонидан ифодалаб берилган.

Ўзбекистонда рўй бераётган иқтисодий ислохотлар қимматли қоғозларга бўлган қизиқишни қайта уйғонишига сабаб бўлди. Қимматли қоғозларнинг турли бозори шаклланди ва ривож топди.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга оладиган счетлар бўйича аналитик ҳисоб қисқа муддатли инвестициялар ва бу қўйилмалар жойлаштирилган объектлар (қимматли қоғозларни сотувчи корхоналар, жамғармалар ва ҳ.к.) бўйича олиб борилади. Бу ҳолда аналитик ҳисобни амалга ошириш мамлакат ҳудуди ва ундан ташқаридаги объектларга қилинган қисқа муддатли молиявий қўйилмалар тўғрисидаги маълумотларни олиш имкониятини таъминлаши керак.

21-сон БҲМС ига мувофиқ, 0600 “Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счетлар” сметида мамлакатимизда ва ундан ташқарида барпо этилган корхоналарнинг қимматли қоғозларига, шўъба, қарам бўлган жамиятларнинг ҳамда чет эл сармояли корхоналарнинг низом капитали (жамғармаси) га узоқ муддатли қўйилма (инвестиция) ларни мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумот 0600 сметида умумлаштирилади.

Мулкчиликнинг турли шаклидаги корхоналарда қимматли қоғозларнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича муомалалар ягона (умумий) тамойиллар асосида амалга оширилиши лозим. Қимматли қоғозларга йўналтирилган молиявий инвестицияларнинг ҳисоби қимматли қоғозларнинг қопланиш муддати, уларнинг тури (иқтисодий мазмуни), ҳисоб-китоб шакллари, қимматли қоғозларни сотиб олиш учун манба ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т: «Адолат», 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонуни Халқ сўзи. 1998 йил 24 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонуни» Халқ сўзи. 1998 йил 20 май.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвесторлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қарорлари ва чора-тадбирлари тўғрисида»ги қонуни Халқ сўзи. 1998 йил 21 май.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 9 февралдаги «Чет эл инвестициялари билан лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 январдаги «Инвестиция лойиҳаларини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қарорлари. Т.: - Ўзбекистон, 1997.
8. Ангелиди М.С., Каримов Н.Г. Анализ инвестиционних проектов. Учебное пособие, Т. : Ташкентский Финансовый институт, 2000. 88 стр.
9. Ангелиди М. С. Организация кредитного процесса в коммерческих банках, Т.: 1998. - 22 стр.
10. Банковское дело и финансирования инвестиций. Под редакцией Н.Брука. Институт экономического развития Всемирного банка, 1-том 1, 2-часть, 2-том 1, 2-часть, 1995.
11. Бирмаи Г., Шмидт С. Экономический анализ инвестиционных проектов. М.: - Банки и биржи ЮНИТИ, 1997. - 613 стр.
12. Беренц В., Хавранекс П. Руководство по оценке эффективности инвестиций, пер.с англ. А.П. Бельк, М.: - Инфра-М, 1995.

13. Бромвич М. Анализ экономической эффективности капитальных вложений, М: - Приор, 1995.

14. Ваҳобов А. В., Иброҳимов А.Т. Молиявий таҳлил. Дарслик, Т.: - «Шарқ», 2002. - 224 б.

15. Гулямов С.С. Проекпшй анализ инвестиций. Т.: - ГФНТИ, 1995.

16. Газибеков Д.Г., Ангелиди М.С. Инвестиционная деятельность перед вхождением в рыночную экономику. Т.: 1991.

17. Зель А. Инвестиции и финансирование, планирование и оценка проектов. - М.: 1996.

18. Идрисов А.Б., Картншев С.В., Постников А.В. Стратегическое планирование и анализ эффективности инвестиций. М.: 1996.

19. Жўраева А. С, Маматов Б.С. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси Бозор, пул ва кредит, 2003. 2-сон.

20. Маматов Б.С., Хўжамкулов Д.Ю. Лизинг кичик ва ўрта бизнесни кредитлашни самарали воситаси Бозор, пул ва кредит, 2002. 8-сон.

21. Маматов Б.С. Особенности инвестиционной деятельности Узбекистана при переходе к рыночной экономике, Сельское хозяйство Узбекистана, 2001. 6-сон.

22. Носиров Э.И. Кичик ва ўрта бизнес инвестицияларини ривожлантириш истиқболлари ва уни такомиллаштириш масалалари Бозор, пул ва кредит, 2001. 7-сон.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ:

1. www.minfin.ru
2. www.mf.uz
3. www.budget.ru
4. www.df.ru
5. www.iet.ru